



НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 23-ҲАНВАР, №3 (1200)

ИЧКИ
ИМКОНИАТДАН
ФОЙДАЛАНИЛМАЙ,
РЕЖА БОШҚА
ВИЛОЯТЛАР
ҲИСОБИГА
БАЖАРИЛМОҚДА.
5-БЕТ

БАЪЗИЛАРНИНГ
КИЙИМИДАН
БОШҚАЛАР
ХИЖОЛАТ ТОРТИБ,
УЛАРНИНГ
ОЛДИДАН ЕРГА
ҚАРАБ ЎТИШГА
МАЖБУР
БЎЛМОҚДАМИ?!
6-БЕТ

«СЕН БОШҚАГА
ТЕГОЛМАЙСАН,
ЧУНКИ МЕНДА
СЕНИНГ... ВИДЕО
ВА СУРАТЛАРИНГ
БОР...»
9-БЕТ

ТАБИЙ ГАЗ
БЎЙИЧА
ФУҚАРОЛАРГА
ҚАРИЙБ 1,5 МЛРД.
СЎМЛИК НОРЕАЛ
ҚАРЗДОРЛИК
ЮКЛАТИЛГАН.
10-БЕТ

**18 январь кун
Бош прокуратурада
Бош прокурор
Н.Йўлдошев
раислигида
Коррупцияга
қарши курашиш
бўйича республика
идоралараро
комиссиясининг
кенгайтирилган
йиғилиши бўлиб
ўтди.**



BOSH PROKURATURADA

КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш аҳволи ва қонунийлики таъминлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, Президент маслаҳатчисининг ўринбосари У.Исмоилов, Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳақимов қатнашди.

Шунингдек, йиғилишда комиссия аъзолари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасаси бўлган вазирлик

ва идоралар раҳбарлари, олий ўқув юртлари ректорлари, Бош прокуратура масъул ходимлари иштирок этди.

Жойлардан вилоят ҳокимларининг соҳага масъул ўринбосарлари, прокурорлар, олий ўқув юртлари проректорлари, декан ва кафедра мудирлари ва тегишли идоралар вакиллари қатнашди.

Комиссия йиғилишида Бош прокурор Н.Йўлдошев кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилди.

2-БЕТ



**САМАРҚАНДДА
БИР КЕЧАДА БИР
ОИЛАНИНГ БЕШ
НАФАР АЪЗОСИ
ЎЛДИРИЛИШИНING
САБАБИ МАЪЛУМ
БЎЛДИ.**

7-БЕТ

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ЛОРА

Туман қурилиш бўлими бошлиғи, бош архитектори Ҳайдар Қодировнинг хонасида музокара авжига эди.

– Тадбиркорлик қилмоқчи эдим, – дея куюнчаклик билан фикрини тушунтирарди Фаррух Тўйов. – Банкдан кредит ҳам олаёйман. Кредит ҳужжатларини расмийлаштираёйман. Аммо унгача ер олишим керак. Шу масалада ёрдам беринг...

– Ёш тадбиркорлар учун ҳозир Дўстлик маҳалласидан ер берилаяпти, – деди бош архитектор. – Сизга ҳам уша маҳалладан ер ажратиб беришимиз мумкин. Ҳоким номига ариза ёзиб, ҳокимликка топишинг. Аризангиз расмийлаштирилиб, яна бизга қайтиб келади. Ҳозир «Ёшлар – келажагимиз» дастури бўйича ер берилаяпти. Сизга ҳам ажратамиз. Фақат... – Ҳайдар Қодиров шундай дея йигитга синовчан тикилганича чайнаиб қолди.

Фаррух унинг мударосини англагандай бўлди:

– Гапираверинг...
– Икки юз бўлади «кўк»ида... – ниҳоят дардини айтиди амалдор. Фаррух ўйланиб қолди.
– Бунча пулим йўқ, – деди тушкун кайфиятда.

– Бўлмаса ер ҳам йўқ, – чўрт кесди бош архитектор.
– Бўпти, – деди Фаррух оғир тин олиб. – Розиман...

Орадан бир неча кун ўтиб, Фаррух яна Ҳайдар Қодировга учрашди. Бу сафар бир амаллаб уни 100 долларга «тушишга» кўндирди.
Орадан яна кунлар ўтди. Йигит пулни тайёрлаб, бош архитекторга кўнғироқ қилди:

– Қаердасиз, Ҳайдар ака?
– Қаршига келувдим. Вилоят қурилиш бошқармасидаман.
– Пул тайёр. Қаерда учрашамиз?
– Шу ерга олиб келаверинг...

Келишилган жойда учрашишди. Салом-алиқдан сўнг Фаррух секингина пулни узатди. Ҳайдар Қодиров эса олиб, шимининг чўнтагига солди. Шу пайт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари уларга яқинлашиб, бош архитекторни жиноят устида қўлга олди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида Ҳайдар Қодировнинг мазкур жинояти тафсилотларига ойдинлик киритилди. Қайд этилишича, Ҳайдар Қодиров 1958 йилда туғилган. Маълумоти олий. Оилали, тўрт фарзанди бор.

Суд ҳукмига кўра у икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан, беш йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Айни пайтда юртимизда тадбиркорлик ривожига ва ёшларимизни камол топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги кенг

қўламли дастурлар шарофати билан янги тадбиркорлик субъектларига асос солинаяпти, янги иншоотлар қурилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. «Ёшлар – келажагимиз» дастури ҳам шундай эзгу мақсадларга қаратилган. Аммо ундан шахсий манфаатни кўзлаган ҳолда пул ишлаб қолишга интилишни қандай тушуниш мумкин? Бу халқимизга, ёшларимизнинг истиқболига хиёнат эмасми?

Шу соҳада неча йил хизмат қилиб, сочи оқарган амалдор наҳотки шу оддийгина ҳақиқатни тушуномган бўлса?!

Ҳа, қилмиш-қидирмиш дейдилар, «юз»нинг юзидан ўтолмаган бош архитекторнинг юзи шувует бўлди...

Самад ҲАСАНОВ,
Муборак тумани прокурори

КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Маълумки, мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги уч йилда олий таълим соҳасига оид 200 дан ортик қонун ҳужжати қабул қилинди.

Қисқа даврда юртимизда 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал, 14 та хорижий олий ўқув юрти ташкил этилди. Юздан ортик бакалавриат ҳамда 94 та магистратура йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2019/2020-ўқув йилидан бошлаб, 59 та олий ўқув юртида сиртки, 10 тасида кечки таълим жорий қилинди.

Бундай чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил олдинги 9 фоиздан 20 фоизга кўпайди.

Соҳага бюджетдан ажратилаётган маблағ ҳам йилдан-йилга ортмоқда. 2018 йилда 879 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1 трлн. 288 млрд. сўмни, 2020 йилда 1 трлн. 888 млрд. сўмни ташкил этган.

Соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимояси ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам давлат раҳбарининг назоратида эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Биргина профессор-ўқитувчиларнинг маоши 2018 йилда ўртача 25 фоиз оширилган бўлса, 2019 йил 1 январдан яна 20 фоиз, 1 июлдан эса 25 фоиз оширилди.

Бош прокурор Н.Йўлдошев маърузасида маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийдан иктибос келтириб, у кишининг «тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган пурмаъно сўзлари орадан юз йил ўтса-да, долзарблигини йўқотмаганини таъкидлади. Zero, ҳар қандай миллат ва мамлакатнинг тараққиёти, фаровонлиги ёш авлоднинг таълим-тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин олий таълим соҳасида кузатилаётган айрим камчиликлар, коррупция ҳолатлари, баъзи «зиёли»ларимиз содир этаяётган қинғир ишлар соҳадаги ислохотларга соя солмоқда. Шу сабабли олий таълим соҳасида коррупцияга қарши кураш бўйича ишлар оқсаётгани, тизимдаги айрим раҳбарлар бу иллатдан қутула олмаётгани йилда танқидий муҳокама этилди.

Бош прокурор ўз маърузасида олий таълим соҳасида коррупция тарқалган йўналишларни санаб ўтди. Жумладан, коррупция ҳолатлари асосан талабаларга қабул қилиш, ўқиш жараёнида топшириладиган турли синовлар, талабаларнинг битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, магистратурага қабул, шунингдек, талабаларнинг ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклашда кузатилаётгани кўрсатилди.

Йилдаги сўнгги икки йилда тизимдаги 326 нафар ходим таълим жараёни билан боғлиқ жиноятлари учун жавобгарликка тортилгани, уларнинг 220 нафари коллеж ва лицейларга, 106 нафари олий ўқув юртиларига тўғри келиши танқид қилинди.

Институт ва университетларнинг жиноят содир этган ходимларидан 3 нафари ректор, 5 нафари проректор, 15 нафари декан ва декан ўринбосари, 62 нафари ўқитувчидир.

Кошлеж ва лицейларда эса 34 нафар директор, 31 нафар директор ўринбосари, 94 нафар ўқитувчи жиноятга қўл урган.

Соҳада коррупциянинг олдини олиш ва унга чек қўйиш борасидаги чоралар етарли самара бермаётганини жамоатчилик фикри тасдиқламоқда.

2018 йилда «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги маркази ўтказган сўровда иштирок этганларнинг 29 фоизи олий таълим тизимида коррупция кенг тарқалган деган фикрни билдирган бўлса, 2019 йилда бу салбий

кўрсаткич 35 фоизга етган.

Ўтган йилнинг август ойида интернет орқали ўтказилган сўровда Юридик, Иқтисодиёт, Миллий, Ахборот технологиялари университетлари ҳамда Тиббиёт академияси коррупция энг кўп тарқалган олий ўқув юрти сифатида кўрсатилган.

Комиссия раиси талабаларга қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Ўқишга киритиш важи билан 115 нафар, жумладан, 58 нафар олий ва 57 нафар ўрта махсус таълим ходими жиноий жавобгарликка тортилган. Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси К. фукаро Д.ни институтнинг бухгалтерия факультети сиртки йўналишига ўқишга киритиш учун 10 минг АҚШ долларини олганда ушланган.

Қарши давлат университетининг проректори Н. махсус сиртки бўлимга кириш имтиҳонидан ўта олмаган Одан ўқишга киришида ёрдам бериш важи билан 3 минг доллар олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Ижодий имтиҳон ҳолис ва адолат билан ўтказилмаётгани танқид қилинди. Хусусан, Фарғона давлат университети ўқитувчиси С. қабул комиссияси аъзоси эканлигидан фойдаланиб, фукаро А.нинг ижодий имтиҳондан юқори балл олишига ёрдам бериш эвазига 6 минг доллар олганда ушланган.

Сўнгги икки йилда 21 нафар талабанинг бундай жиноятларга аралашиб жавобгарликка тортилгани тизимдаги коррупция оқибати сифатида кескин танқид қилинди.

Бош прокурор маърузасида мутасаддиларга олий ўқув юртиларини замонавий дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш зарурлигини кўрсатди. Таҳлиллар олий таълим муассасаларида ўқув режасидаги фанларнинг 24 фоизи бўйича дарслик ва қўлланмалар йўқлигини кўрсатмоқда. Масалан, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида 1552 нафар талаба таҳсил олса-да, бор-йўғи 15 номдаги 45 та дарслик мавжуд.

Айрим олий ўқув юртиларида дарслик ва қўлланмалар маънан эскириб, ҳозирги талабаларга жавоб бермайди. Масалан, тўқимачилик соҳасидаги олий ўқув юртиларидаги 429 та дарслик ва қўлланманинг ҳар тўртинчиси 10 йилдан 30 йилгача, ҳар учинчиси 30 йилдан 50 йилгача бўлган вақт оралиғида нашр этилган.

Олий таълим муассасаларида ахборот ресурс марказлари, айниқса, кутубхоналардан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам рўй-рост кўрсатилиб, ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Магистратура йўналишида йўл қўйилган суинистем-молчиликлар кескин танқид қилинди.

Ўзбекистон миллий университетига декан лавозимида ишлаган А. ва ўринбосари Ю. фукаро Р.ни магистратурага киритиш эвазига ундан 2 минг доллар олгани учун уларга нисбатан суд ҳукми билан жазо тайинланган.

Нукус давлат педагогика институтининг собиқ ректори ва проректори магистратура босқичига синовдан ўтган 55 нафар талабгорнинг имтиҳон натижаларини сохталаштирган. Мазкур ҳолат бўйича айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Талабалар ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклашда коррупцияга дуч келаётгани, бунга олий ўқув юрти ва вазириликнинг айрим мутасаддилари бош қўшгани кескин танқид қилинди.

Илгари олий таълим соҳасида ишлаб, порохўрлик ва фирибгарлик жиноятлари учун 4 марта судланган У. Олий таълим вазирлигида масъул лавозимда ишлаб, таълим билан боғлиқ қатор жиноятларга қўл урган. Жумладан, Россия ва Украина тиббиёт университетларида таълим олаётган икки талабанинг ўқиниши Тошкентга кўчириш учун 4 минг доллар олгани фош этилган. Бундан ташқари, терговда У. яна 6 та ҳолатда ўқишга киритиш, талабаларнинг ўқиниши тиклаш ва кўчириш масаласини ҳал қилишга ваъда бериб, 14 минг долларни пора тарикасида олгани аниқланган.

Йилда комиссия раиси коррупцияга таълим жараёнларининг очик ва шаффоф ташкил этилмагани сабаб бўлганини, бундан соҳадаги ҳар бир раҳбар ходим ҳулоса чиқариши лозимлигини таъкидлади.

Олий таълим муассасалари илмий-тадқиқот фаолиятидаги камчиликлар ҳам муҳокама қилиниб, илмий даража бериш тартибидagi мураккабликлар, ўринсиз талаб ва коррупциявий омиллар таълим сифатига таъсир кўрсатаётгани кайд этилди.

Бюджет маблағини сарфлаш жараёнидаги талон-тороқчиликлар соҳадаги асосий коррупциявий омиллардан бири бўлиб қолаётгани, ўтган йили Давлат молиявий назорати департаменти томонидан текширилган 1107 та муассасанинг 1035 таси ёки 93 фоизда 16,7 млрд. сўмлик молиявий қонунбузарликка йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди.

Комиссия раисининг таъкидлашича, олий таълим соҳасидаги коррупциянинг асосий сабабларидан бири ижро интизоми, юридик хизмат етарли йўлга қўйилмаганидир.

Маъруза якунида Бош прокурор Н.Йўлдошев олий таълим масаласига эътиборсиз қаралган вазиятларда юзага келадиган муҳим оқибатлар ҳақида сўз юритиб, Жанубий Африка Республикасидаги Стелленбосс университети пештоқиға эъиб қўйилган қуйдаги иборани иктибос сифатида келтирди:

«Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узок масофага учувчи ракета шарт эмас. Бунинг учун таълим сифатини тушириб, имтиҳонларга алдов аралаштиришнинг ўзи кифоядир. Бу тарзда таълим олган шифокорлар қўлидан беморлар ўлим топади, курувчилар қурган уй ва бинолар вайрон бўлади, иқтисодчи ва ҳисобчилар қўлида молиявий ресурслар совурилади, адолат ҳам шундай ҳуқуқшунос ва судьялар қўлида завол топади.


Таълимнинг инкирози – миллат инкирозидир».

Комиссия йилдаги кизгин муҳокамадан билан кечди. Сўзга чиққан Президентнинг маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов, Судьялар олий кенгаши раиси У.Мингбоев, Қонунчилик палатаси депутатлари Д.Орипов, Ш.Бафоев, Сенат аъзолари Б.Матмуратов, З.Низомхўжаев, Фукаролик жамоатини ривожлантириш маркази директори Р.Комилов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирини Н.Хусанов, Адлия вазирини ўринбосари Х.Мелиев, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Ш.Қудратхўжаев, Республика олий таълим кенгаши раиси Ҳ.Умурзоқов олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Кун тартибидagi масала юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирини И.Маждидов, вазир ўринбосари У.Бегмқулов, вазирлик бош бошқарма бошлиғи А.Холиков, Фарғона давлат университети ректори Р.Максудов, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатациясини институти ректори А.Рискулов, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори вази-фасини бажарувчи Б.Онорбоев, Тошкент давлат юридик университети ректори Р.Ҳакимов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори К.Шарипов, Фармацевтика институти ректори И.Олимжонов, Стоматология институти проректори А.Ҳайдаровнинг тушунтириш ва изоҳлари эшитилди.

Йилдаги олий таълим соҳасини коррупциясиз соҳага айлантириш, қонун бузилиши ва камчиликларни бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Қобилжон АХМАДЖАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари



ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР

Ёшлар — келажагимиз, эртагимиз эгалари деймиз.

Хўш, улар бизга муносиб ворис бўлиши учун нималарга эътибор қаратишимиз керак? Фарзандларимизнинг бутунги ўй-хаёллари, кизиқишлари ҳақида биламизми? Умуман, ёшларга қай даражада яқинмиз?

Афсуски, бу саволларга ҳамиша ҳам ижобий жавоб беролмаймиз. Қундалик ташвишларга шўнғиймиз, уларга етарли вақт ажратиб беришга фурсат топмаймиз. Гоҳида юриш-туришлари ҳам назоратимиздан четда қолиб кетади.

Бугун Президентимиз мутасаддилар олдида ҳафтада бир марта ёшлар билан учрашиш, уларнинг кизиқиш ва муаммоларини ўрганиш, керак бўлса, жойида ҳал этиш талабини кўймоқда.

Наманган вилояти прокурори Акмалхўжа Мавлоновнинг «Прокурор ва ёшлар» мавзусида Косонсой тумани ёшлари билан ўтказган учрашувида ҳам шу ҳақда сўз борди.

Мулоқотида Косонсой тумани ҳокими Б.Юсупов, вилоят «Нуроний» жағғармаси раиси И.Нажмидинов, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси А.Мўминов, вилоят ва тумандаги давлат ҳамда жамоат ташкилотлари мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Вилоят прокурори мулоқот аввалида мамлакатимизда ёшларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганига аниқ мисоллар асосида тўхталиб ўтди. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасига юксак эътибор қаратилиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ҳуқуқий-норматив база изчил такомиллаштириб борилаётгани, шу мақсадда 43 та қонун ва бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлади.

Ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар натижасида илм-фан, спорт ва санъат борасида юксак натижаларни қўлга киритаётган ўнлаб ёшлар мулоқот чоғида муносиб тақдирланди. Шунингдек, вилоят прокурори ёшларнинг саволларига батафсил жавоб берди. Улар билдирган масалалар шу жойнинг ўзиде ўрганилиб, муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Аҳамиятлиси, бугунги тезкор ахборот замонига монанд тарзда «Telegram» ижтимоий тармоғида қосонсойлик ёшларнинг ҳаёти, изланишлари, муаммоларини ақс эттириб, ечимлари устида иш олиб бориш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «Косонсойлик ёшлар» канали очилди.

Шундан сўнг мулоқот тумандаги 8-мактабда давом этди.

Вилоят прокурори ва жамоатчилик вакиллари 1800 нафар ўқувчи таҳсил олаётган илм маскани билан яқиндан танишди. Ўқувчилар билан суҳбатлашиш асносида мактаб кутубхонаси, тадбирлар зали, спорт зали, мусика

хонасини яқиндан кузатди. Мактаб кутубхонасига 200 та китоб совға қилди.

Шундан сўнг вилоят прокурори янги ҳаёт оstonасига қадам қўяётган оилалар билан учрашиб, уларга никоҳ гувоҳномаларини топширди. Шу билан бирга, ҳамкор ташкилот вакиллари ҳамроҳлигида ажрим ёқасига келиб қолган еттига оила вакиллари билан ҳам суҳбатлашди. Тушунтириш ишлари натижасида мазкур оилалар шу кунни яраштирилди.

Шунингдек, ёшлар билан учрашув тумандаги 45-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасасида давом эттирилди.

Вилоят прокурори 2016-2018 йилларда Давлат инвестиция дастури асосида капитал реконструкция қилинган мазкур илм даргоҳи фаолияти билан танишаркан, ўқувчиларга ўқишда муваффақият тилаб, телевизор, аудиокиноларни эшитиш учун плеерлар тухфа этди.

Шундан сўнг вилоят прокурори тумандаги 1-«Хуррият», Саъдий Шерозий ҳамда Алишер Навоий МФЙлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган иккидан ёш оиланинг паротири билан танишди. Шу куннинг ўзиде М.Қодирова ҳамда И.Икромовага нафақа тайинлаш масаласи ҳал этилди. Болаликдан ногирон бўлган О.Меҳмономага аравача, Н.Шокировага эшитиш мосламаси, шунингдек, ҳар бир оилага озиқ-овқат берилди.

Косонсой педагогика коллежида ўтказилган футбол мусобақаси ҳам қизгин кечди. 1-ўринни эгаллаган жамоа вилоят прокурори кубоғи ва телевизор билан, 2- ҳамда 3-ўриндаги жамоалар ҳам муносиб тақдирланди.

Шу кунни ҳарбий бўлиш истигадиги 50 нафар қосонсойлик ўқувчи прокуратура ходимлари ҳамроҳлигида Наманган шаҳридаги ҳарбий қисмлардан биринга ташриф буюрди. Улар ҳарбий акалари билан суҳбат ўтказиб, ўзларини кизиқтирган саволларга жавоб олишди. Шу билан бирга, қурол-аслаҳалар ҳамда ҳарбий техникалар кўргазмаси билан ҳам танишишди.



Валижон МАМАДАЛИЕВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

ТРАНСПОРТ РИВОЖИ — ЮРТ РИВОЖИ

2020 йилнинг 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси органларининг ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Транспорт прокуратураси органлари томонидан 2019 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар қайд этилди. Жумладан, Транспорт вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» акционерлик жамиятлари тизимида 263 марта текшириш ўтказилган ва фуқароларнинг мурожаатлари асосида 1142 та прокурор назорати ҳужжати қўланган. Мансабдор шахсларнинг 188 та қонуний қарорига протест киритилиб, 85 таси бекор қилинган ва 91 таси ўзгартирилган.

Қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 427 та тақдимнома, 467 та қарор, 15 та огоҳлантирув қўланган, 3 та жиноят иши қўзғатилган. Қарор ва тақдимномаларга асосан 698 киши интизомий, 88 киши маъмурий, 25 киши моддий жавобгарликка тортилган. 115 нафар фуқаро ҳамда 3 та тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини қўзғаб, фуқаролик ва маъмурий судларга 216 млн. 378 минг сўмлик, иқтисодий судларга эса 13 млрд. 989 млн. 871 минг сўмлик даъво аризалари киритилган.



2019 йил давомида ҳукуматнинг ўзаро ҳисоб-китоб тизimini ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар бўйича 91 та прокурор назорати ҳужжати қўлланиб, натижаси бўйича 51 киши интизомий, 9 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. 10 млрд. 227 млн. 446 минг сўмлик муддати ўтган қарзларни ундириш юзасидан иқтисодий судларга 8 та даъво аризаси киритилиб, барчаси қаноатлантирилган.

Транспортта оид қонунлар ижроси юзасидан 47 марта текшириш ўтказилиб, 325 та прокурор назорати ҳужжати қўланган. Прокурорнинг қарор ва тақдимномалари асосида 362 нафар шахс интизомий ва 24 нафари моддий жавобгарликка тортилган.

Прокуратура органларига жисмоний ва юридик шахслардан 1967 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлиб, бевосита прокуратура органлариде 1197 та мурожаат ҳал қилинган, шундан 183 та мурожаат қаноатлантирилган, 36 таси рад этилган ҳамда 978 та мурожаат бўйича тушунтиришлар берилган, 115 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланган. Мурожаатларни ҳал этиш жараёнида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 75 та прокурор назорати ҳужжати қўланган. Хусусан, 18 та протест киритилиб, қонунга зид 15 та ҳужжат бекор қилинган ҳамда 3 таси ўзгартирилган.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан 16 марта текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлар бўйича 65 та тақдимнома киритилган, 20 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилган.

Алишер ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси
Алишер МАЖИДОВ,
Транспорт прокурорининг ёрдамчиси

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ

Кескаларни қўллаб-қувватлаш халқимизга хос қадриятдир. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақатга чиққан олғмишга яқин фахрийлар ва амалдаги офицерлар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Дастлаб тантана қатнашчилари ҳарбий прокуратура тарихи музейини кўздан кечиришди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари Исмоилжон Абдуҳакимов фахрийларнинг бебаҳо меҳнати ва ёшларга ўрнак бўладиган жиҳатлари ҳақида сўзлади.

Тадбир иштирокчилари ўзбекино безатилган дастурхонга тақдир этилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Тимур ҲАМЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

«Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Навоий вилояти прокурор секторларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Секторларда 71 та фуқаролар йиғини ҳудудидаги 48162 та хонадонда яшовчи 230 840 нафар фуқаронинг оилавий аҳволини, ижтимоий муҳофазаси, уй-жой ва коммунал шароитини яхшилаш борасидаги ишлар самарали ташкил этилган.

2019 йилда уйма-уй юриш давомида аниқланган 5807 та муаммо бартараф қилинган. Хусусан, Зарафшон шаҳри Даугишта кўрғонидан 663 киши чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилишига, 112 кишида турли касалликлар аниқланиб, икки нафарига имтиёзли ордер, уч нафарига даволаниш учун йўланма берилишига, олти турдаги дори-дармонлар бепул тарқатилишига эришилди.



Конимех тумани, «Саржал» ва «Янгигозғон» ОФЙда 325 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди, 45 нафар бола педиатр кўригидан ўтказилиб, уч нафарига даволаш учун имтиёзли йўланма берилди, 10 тонна сув, 100 донадан газ баллон тарқатилиб, овуллардаги 3 км. йўл текисланди.

Шу билан бирга, ижтимоий объектларда аниқланган 772 та муаммо бартараф этилган. Масалан, Қизилтепа тумани Хомработ маҳалласида 734 метрли тупрок йўл текисланиб, шағал тўкиб берилди ҳамда етти эски симёғоч алмаштирилди.

Шунингдек, Қизилтепа туманининг Дехқонобод, Зарафшон туманининг Марварид, Конимех туманининг Шодибек кишлоқларида 3,5 км. йўл таъмирланди.

Вилоятдаги прокурор секторларида Президентнинг бешта ташаббусини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Навоий шаҳар Навоий кўчасида тadbиркорликни ривожлантириш мақсадида иккита кўчаси ва битта ширинлик цехи ташкил этилиб, 16 та иш ўрни яратилди.

Маҳалла аҳолиси бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун кутубхона ташкил этилиб, ҳомийлик асосида 260 дан ортик китоб совға қилинди.

Бундан ташқари, Меъморлар кўчасида «Book kafe», шахмат майдончаси, спорт майдончалари қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қисқа муддатда Ташаббуслар сайилгоҳи барпо этилди.

Вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай эзгу ишлар давом эттирилмоқда.

Музаффар ИСЛАМОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Ўтган йил давомида Марғилонда шаҳар прокурори секторидаги барча хонадонларнинг турмуш шароити ўрганилди. Аниқланган 708 та муаммо жойида ҳал қилинди. Ижтимоий объектлар, кўпқаватли уйлар, иншоотларда 631 та муаммо аниқланиб, 80 таси тўлиқ бартараф этилди.

Ўтказилган сайёр қабулларда фуқароларнинг 213 та мурожаати ижобий ҳал этилди. 491 киши ишга жойлаштирилди.

Эҳтиёжманд оилалар тadbиркорликка жалб этилиб, фаолиятини бошлаш учун банк кредити ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. 107 та холада жами 1 млрд. 143 млн. сўм кредитлар берилиб, тикувчилик, чорвачилик, чеварлик фаолияти билан шугулланиш имкониятлари яратилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 3 тасига иссиқхона қуриб берилди, 3 тасига паррандачилик билан шугулланиш учун товук ва жўжалар берилди. 8 та хонадоннинг уйлари таъмирланди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари имтиёзли равишда мактабга таълим муассасаларига жойлаштирилди.

Шунингдек, қўлаб-қувватлашга муҳтож 55 нафар хотин-қизларга ишга жойлаштириш, соғлигини тиклаш, дори-дармон олиш, уйлари таъмирлаш, фарзандларини мактабга таълим муассасаларига имтиёзли равишда жойлаштириш, ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш ва бошқа муаммоларини ҳал этишда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. 22 нафар аёلнинг яшаш шароити яхшиланди.

Бўш иш ўринлари ярмаркаларида 491 нафар иш-

сиз доимий ишга жойлаштирилди. 2-секторда тиббий кўриқдан ўтказилган фуқароларнинг 2586 нафари даволаниш соғлигини тиклади. 352 кишига шифохонага, 21 кишига сихатгоҳга йўланма берилди. 103 млн. сўмлик бепул дори-дармон тарқатилди.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар ҳал қилинмоқда. Электр таъминотини яхшилаш учун трансформаторлар таъмирланди, бетон таянчлар ўрнатилди. Носоз кўча чироқлари алмаштирилди. Шу

Ишламаётган тadbиркорларнинг 55 таси прокуратура ташаббуси билан фаолиятини қайта тиклади.

тарика 3200 дан зиёд хонадоннинг электр таъминоти билан боғлиқ муаммоси ҳал қилинди.

Инвентаризация дастурига қиритилган иккита мактаб таъмирланди. Аҳолини китобхоналикка жалб этиш мақсадида секторда марказий кутубхона ташкил этилди. «Ёйилма» МФЙдаги кутубхона таъмирланди.

Шаҳарда 6100 дан зиёд тadbиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Шаҳар прокуратураси тadbир-

Прокуратура органлари раҳбарлари бошчилик қилаётган секторларда барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан бирга, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўриломоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларидаги 2-сектор штаблари қарор талабларига мос тарзда шакллантирилиб, керакли мутахассислар жалб қилинди. Уйма-уй юришлар давомида 2-секторларга бириктирилган 94 та маҳалладаги 76038 та хонадон тўлиқ ўрганилди, 6530 та хонадонда етти мингдан зиёд муаммо мавжудлиги аниқланди ва кўрсатилган ёрдам натижасида тўлиқ ҳал этилди. Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан 1969 та объект ўрганилди. 1421 та объектда 1901 та муаммо аниқланди, 1145 таси ҳал қилинди. Масалан, Нукус шаҳри «Қутли макон» МФЙдаги Аёзқалъа ва Кўккўл кўчаларига бетон устунлар ўрнатилиб, янги электр линиялари тортилиши натижасида 52 та хонадон узлуксиз электр энергияси билан таъминланди.

Нукус тумани «Баканшакли» ОФЙда истиқомат қилувчи кам таъминланган фуқаро З.Бекмановнинг уйига қўшимча иккита хона ҳашар йўли билан тиклаб берилиб, уй тўлиқ таъмирланди.

Тахтакош тумани «Кенегес» ОФЙдаги Жанақалъа аҳоли пункти магистрал табиий газ қувурига уланиши натижасида мазкур ҳудуддаги 43 та хонадон узлуксиз табиий газ билан таъминланди.

Бундан ташқари, кишики мавсумга тайёргарлик кўриш ва камчиликларни бартараф қилиш мақсадида аҳоли билан ҳар куни камда иккита учрашув, сайёр қабул ташкил этиш бўйича ойлик режа асосида ишлашга ўтилди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши пасд бўлган олис ва чекка ҳудудлардаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Биргина мисол, Республика прокурори томонидан 2019 йилнинг 16 ноябридан 15 декабрига қадар олис ва чекка ҳудудларда ўтказилган 52 та учрашув давомида 2258 нафар жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинди. Улардан 291 нафарининг муаммоси ҳал қилиниб, 137 нафарига ҳуқуқий тушунтириш берилди. 461 кишининг қўшимча ўрганиш талаб қиладиган ёзма мурожаати қабул қилинди. Уларни ўрганиш натижасига кўра 301 та мурожаат бўйича муаллифларга ҳуқуқий тушунтириш берилди, 160 та мурожаат қаноатлантирилди.

Олис ва чекка ҳудудларда ўтказилган учрашувларда 2258 нафар жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинди.

Масалан, Тахтақўпир тумани «Қораой» ОФЙдаги Муйтен овулида аҳолининг табиий газ билан боғлиқ муаммоси мавжудлиги аниқланди. Мазкур ҳудудда табиий газ қувурлари ўрнатилди ва муаммо тўлиқ бартараф этилди.

Шунингдек, Амударё тумани «Ҳалим-боғ» ОФЙда истиқомат қилувчи аҳолининг кўмир етишмаслиги ва трансформатор носозлиги ҳақидаги мурожаатлари ўрганилди. Муаммони ҳал этиш учун ҳудуд аҳолисига 8 тонна кўмир етказиб берилди. Трансформатор эса мутахассислар томонидан таъмирланди.

Сирожиддин ФАЙЗИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

корликни ривожлантириш борасида амалга оширган ишлар натижасида 310 та тadbиркорлик субъекти ташкил этилди. Тadbиркорларга кредит ва ер олиш, электр, табиий газ, сув тармоғига уланишда ёрдам берилаяпти. Хусусан, «Сенъорита» хусусий корхонасига банкдан 300 млн. сўм имтиёзли кредит олишида ёрдам кўрсатилиши натижасида 80 та иш ўрни ташкил этилди, 15 та кам таъминланган оиланинг аъзолари доимий иш билан таъминланди. Ишламаётган 101 та тadbиркорнинг (55 таси прокуратура ташаббуси билан) фаолияти тикланди.

«Yoshlar – kelajagimiz» жамғармасининг шаҳар филиалига 118 нафар ёшлар ўз лойиҳасини тақдим этган. 22 та лойиҳа бўйича имтиёзли кредит ажратилди. Улар фаолиятини бошлаб, 185 та иш ўрни яратилди.

Жиноятчиликка қарши курашишда асосий эътибор жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилмоқда. Профилактика тadbирлари натижасида шаҳар ҳудудида умумий жиноятчилик 26,6 фойизга камайишига эришилди.

Алишер ХОДЖАЕВ,
Марғилон шаҳар прокурори

ХАЛҚ БИЛАНМИЗ, ИЧИНДАМИЗ

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2019 йилда Жиззах вилоятидаги 2-секторда аҳоли муаммоларини уйма-уй юриб ўрганиш натижасида аниқланган 31 292 та муаммо тўлиқ бартараф этилди.

Шу билан биргаликда, туман ва шаҳарлардаги сектор раҳбарлари ҳар ҳафтада камидан бир марта, вилоят сектори раҳбари эса ҳар ойда камидан икки марта жойларга чиққан ҳолда сайёр қабуллар ўтказмоқда.

Хусусан, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш ва халқ дардини тинглаш мақсадида 546 та сайёр қабул ўтказилди. Уларда 4358 та мурожаат қабул қилиниб, шундан 2391 таси қаноатлантирилди, 1994 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди, 32 таси рад этилди. Мисол учун, 2019 йил сентябрь ойида Жиззах шаҳрининг Сайхон маҳалласида аҳолининг мурожаатлари юзасидан ўтказилган сайёр қабул натижасига кўра маҳаллада жойлашган 20-мактабнинг мажлислар зали, спорт зали, 5-оилавий поликлиниканинг Сайхон филиали таъмирланди ҳамда филиалда ижтимоий дорихона ташкил қилинди. Маҳалла идораси поликлиниканинг бўш турган тўртта хонасига кўчирилиб, битта хонасида кутубхона ташкил қилинди, бир нафар ногирон аравача билан таъминланди.

Шунингдек, вилоят сектори ҳудудида ёлғиз яшовчи 170 киши 380,7 млн. сўмлик 11 хил озиқ-овқат билан таъминланди. Шу билан бирга, 2187 нафар кекса ва ногиронларга соғлиғини тиклаш учун сихаттоҳга йўланма берилди.

Давлат раҳбарининг бешта ташаббу-

сини ҳаётга кенг жорий қилиш мақсадида 370 та маърифий тадбир уюштирилиб, уларда 36 мингдан ортиқ ёшлар қатнашди. Аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш учун 325 та тўғарақ фаолияти йўлга қўйилди.

Барча туман ва шаҳар 2-сектор штабларида кутубхона, шунингдек, Ғаллаорол, Фориш, Зафаробод туманлари ва Жиззах шаҳрида биттадан китоб дўкони ташкил этилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида сектор ҳудудида 29 та ижтимоий дорихона ташкил қилинган бўлиб, барчаси аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида ўтган йили ўтказилган 60 та текшириш натижасида қонунга зид 134 та ҳужжатни бекор қилиш ҳақида протест келтирилган. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли идораларга 72 та тақдимнома киритилган, 6 киши қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан учта жиноят иши кўзга тилган ҳамда 356 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Секторда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 1034 нафар тадбиркорнинг муаммоси ҳал этилди, шундан 197 тасига 8,3 млрд. сўм кредит, 74 тасига 1247 га ер ажратилиши, 294 таси коммуникация тармоқларига уланиши, 34 тасига лицензия берилиши таъминланди, 186 та ҳолатда бузилган ҳуқуқлари тикланди.

2019 йили 564 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 293 та тадбиркорнинг фаолияти қайта тикланди ва 785 та иш ўрни яратилди. Мисол учун, вилоят сектори раҳбари ташаббуси билан Арнасой тумани «Янгибўстон» ҚФЙда яшовчи Жамила Турсуновага 4 сотих ер ҳамда 160 млн. сўм кредит ажратилди ва у болалар майдончасига эга бўлган истироҳат боғи барпо этди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муаммолар ҳам учрайпти. Таҳлилларга кўра ер ва бино ажратиш, қурилиш ва муҳандислик тармоқларига уланиш учун рухсат олиш ма-

саласи ҳал этилмагани, айланма маблағи ва кредит олиш учун гаров бўладиган мулкни йўқлиги, қарзи кўпайиб кетгани ҳисобига айрим тадбиркорлик субъектлари ишламаяпти. Жумладан, уларнинг 484 таси айланма маблағи етишмаслиги, 122 таси кредит олиш учун гаров таъминотига эга эмаслиги, 310 таси солиқ қарзини тўлаш манбасига эга эмаслиги, 21 таси ер олишда муаммоси мавжудлиги, 159 таси товар ва хизматларга талабнинг камайгани, 45 таси моддий техник базаси етишмаслиги ва 112 таси бошқа сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган.

Президентимиз вилоятта ташрифи доирасида 2019-2021 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари дастурини тасдиқлаган. Дастурга асосан 2019 йилда 93 та (571,9 млрд. сўмлик) лойиҳа ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, амалда 106 та лойиҳа инвестициялари ўзлаштирилди, 103 та (596,6 млрд.) лойиҳа ишга туширилди. Бироқ белгиланган учта лойиҳа ишга туширилмагани оқибатида 127 та иш ўрни яратилиши кечикмоқда.

Шунингдек, Дўстлик, Зафаробод ҳамда Янгибод туманлари 2-секторларида дастурга хорижий инвестиция широкоридаги лойиҳалар киритилмаган. Лойиҳаларни молиялаштириш бошланмагани ва ўз вақтида ишга туширилмагани юзасидан вилоят прокуратураси томонидан Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор тумани ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тилган.

Секторда 2019 йилга белгиланган 16,8 млн. АҚШ доллари миқдоридида экспорт режаси 138 фоизга бажарилди. Бироқ ҳақиқатда экспорттоп маҳсулот етиштириш учун мавжуд ички имкониятлардан фойдаланмай, режа бошқа вилоятларда етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳисобига бажарилмоқда.

Келгусида экспорт режасини бажариш учун логистика марказлари, агро-саноат кластерларини яратиш, экспорт инфратузилмасини ишга тушириш талаб этилади. Ўз ўрнида экспортёрнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиб бермаган мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан прокурор таъсир чоралари қўллаб келинмоқда.

Вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш, пахта ва ғалладан мўл ҳосил олиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2019 йилда прокурорлар секторидида 1211 та фермер хўжалиги томонидан 78254 тонна ғалла топирилиб, режа 107 фоизга бажарилди. 467 та фермер хўжалиги давлатга 48371 тонна пахта топириб, режани 100,4 фоизга бажарди.

Вилоят прокуратураси органлари ўтказган назорат тадбирлари давомида 2019 йилги пахта ҳосили учун тўланмаган 2,9 млрд. сўм қарзларни ундириш бўйича судларга 1,8 млрд. сўмлик даъво аризалари киритилди. Қолган 1,1 млрд. сўмлик қарзларни ундириш чоралари кўрилмоқда.

Секторда жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича туман идоралараро комиссияси штаблари қайта ташкил этилиб, уларга секторлардан бир нафар ходим бириктирилган. Худудларда «Геоинформацион харита» ишлаб чиқилгани, унда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларни мобил патруль хизмати орқали мунтазам назорат қилиш имкони яратилгани ўз самарасини бермоқда. Профилактик тадбирлар натижасида Арнасойнинг Чинобод, Зарбдорнинг Тозауруғ маҳаллаларида 2019 йили умуман жиноят содир этилмаган.

Бундан ташқари, Жиззах шаҳар 2-секторидида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ва Миллий гвардиянинг Жиззах вилояти бошқармасида мавжуд бўлган куч ва техникалар ҳисобига уч босқичли аралаш тартибда 8 та (6 та пиёда, 2 та авто) суткалик патруль йўналишлари ташкил этилган. Ушбу йўналишларда хизмат олиб бориш учун 83 нафар турли хизмат ходимлари жалб қилинган.

«Хавфсиз шаҳар» концепцияси бўйича 2019 йилда «102» рақамига жами 573 та хабар келиб тушган, шундан 23 таси жиноят ҳақида, 317 таси маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида.

Худудий ИИБ ва таънч пунктларига жами 17545 киши (256 нафари жиноят содир этганида гумон қилиниб, 2658 нафари ҳуқуқбузарлик содир этгани учун, 13780 нафари шахсини аниқлаш учун, 518 нафари тиланчи, 165 нафари фоҳиша, 168 нафари муайян яшаш жойига эга бўлмаган) олиб келиниб, шундан 1014 нафари тиббий реабилитация пунктига, 19 нафари вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган.

Шунингдек, барча туманларда ва вилоятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия тузилган.

Фуқаролар билан мулоқотни кучайтириш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этиш орқали аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, турмушида сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлишига эришамиз.

Аслимбек АШУРОВ,
Жиззах вилояти прокурорининг ўринбосари

Секторда уйма-уй юришлар ва сайёр қабулларда аҳолининг кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолари ҳал этилмоқда.

546 та сайёр қабул ўтказилди.

Уйма-уй юриб ўрганиш натижасида аниқланган **31 292** та муаммо тўлиқ бартараф этилди.

Беш ташаббус доирасида ёшлар учун **305** та спорт тўғараги ташкил қилинди.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида **62** та тикувчилик цехи ташкил қилиниб, **720** киши иш билан таъминланди.

Тадбиркорларнинг **150** та мурожаати қаноатлантирилди, судларга **2,2** млрд. сўмлик **21** та даъво аризаси киритилди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида секторда **5641** нафар фуқарога **60,7** млрд. сўм, шундан **4329** та кам даромадли оиллага **26** млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Умумий жиноятчилик ўтган йилга нисбатан **48** та ёки **10,9%** камайди.

Ҳаммамиз ҳам ҳар куни бирор юмуш билан кўчага чиқамиз, жамоат жойларида бўламиз. Шунда беихтиёр инсоннинг кўзи инсонга тушади. Унинг кийимига эътибор беради. Шу аснода ҳар кимнинг қандай қавмга мансублиги, дунёқарши, маданияти аён бўлади. Бу арзимас нарса эмас. Очиғи, кўпчиликнинг, айниқса, айрим аёлларнинг устидаги либосларга кўзимиз тушганида хунук бир манзарадан кўнглимиз ғашланади.



(бу) бузукликдир — энг ёмон йўлдир» деб оголантирилган. Кимлар учундир арзимас бўлиб кўринган кўз зиноси бир талай бузукликларни бошлаб келади, ҳатто оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлади.

Назаримизда, мухтарам аёлларимиз метёрида кийинишни билса, бундай нохушлиқларга чек қўйилади, иншооллох.

Уламоларимизнинг қайд этишича, муслима аёллар ўзлари учун кенг ва қулай либосларни танлашлари лозим, токи у бутун баданларини номаҳрам эркаклардан беркитиб турсин.

Муслима аёл кийим кийишда эркакларга ўхшамаслиги, улардан фарк қилиб туриши лозим. Набий (соллаллоху алайхи васаллам) ўзини эркакларга ўхшатадиган ва эркакларга хос тарзда кийим киядиган аёлларни лаънатлаган.

Муслима аёлларнинг кийимида бошқаларнинг назарини ўзига тортадиган даражада зийнат ёки фитнага сабаб бўлувчи нарсалар бўлмаслиги керак. Дарҳақиқат, Аллох таолонинг аёлларга ўз баданларини беркитиб юришни буюришида қатта ҳикмат ва кўп манфаатлар бор. Аллох аёлларни гўзал ва нозик қилиб яратган ва шу чиройини фақатгина ўз жуфти (эри) учун ҳалол қилган.

Мутахассисларнинг фикрича, тор шим кийиш ўсмир қизларнинг тос суяги ўсишини секинлаштиради. Киндикни очиб юриш эса ички аъзолар шамоллашига, ҳатто бепарзандликка ҳам сабаб бўлади.

Бу каби нохуш сабаблар билан эрнинг хотинига, хотиннинг эрига ишончи йўқолади, хиёнатлар ортиб, оилаларнинг бузилиши кўнаяди. Ушбу ҳолат эркаклар наздида аёлларнинг қадри тушиб кетишига олиб келади. Агар аёллар ўзларини эркаклардан тортиб, ҳаё қилса, баданларини беркитиб юрса, эркаклар олдидаги ҳурмати ортади. Мухтарам аёллар, кийиниш одоби ва маданиятига амал қилинг! Шунда гуноҳлар йўлини тўсган бўласиз.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нидо»

ГУНОҲЛАР ЙЎЛИНИ ТЎСАЙЛИК!

Журналист Дилрабо Қуръонованинг «Нидо» газетасининг 2019 йил 11 июль сонидан чоп этилган «Акаларга йиртиқ шим, сингилларга қалта юбками?...» сарлавҳали мақоласини ўқиганимда шундай ўйлар кўнглимдан кечгани ва унга муносабат билдиришни ният қилганим. Бирок иш билан чалғиб, бу ниятим бироз хаёлимдан фаромуш бўлибди. Ҳечдан кўра кеч яхши деганларидек, кечроқ бўлса-да мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Мақолада таъкидланганидек, кейинги пайтларда нафақат аёллар, балки эркакларнинг ҳам моданинг ортидан қуввиши урфга айланб бормоқда. Ажнабийларнинг беҳаё либосларига ҳавас қилиб, уларга таклид қилган хотин-қизлар ҳаммамнинг нигоҳи тушадиган жойларда ярим яланғоч юришибди. Бу билан ўзлари гуноҳ қилгани ҳолда бошқаларни ҳам гуноҳга ботираётти. Қолаверса, бундай кийиниш уларнинг соғлиги учун ҳам қони зарар, туғилмак фарзандлари учун ҳам хавфли. Бунга аёлларнинг ўзларига эмас, биз эркаклар ҳам айбдоримиз. Ахир шундай шармандали кийиниб кўчага чиққан қизлар

ёки аёллар қайси биримизнинг опамиз, синглимиз, кизимиз ёхуд турмуш ўртоғимиз эмасми? Уларни инсофга чакириш, рисоладагидек кийинишни учун жон куйдириш сиз билан бизнинг ҳам бурчимиз-ку!

— Очиғи, бугун қатта кўчаларда, бозорлардагина эмас, маҳаллаларда ҳам бемалол юришга киши кийналадиган бўлиб қолди. — дейди **Ўзбекистон қаҳрамони, кекса педагог Мухаббат Шаронова.** — Чунки баъзилар эгнига шунақа кийимларни илиб олишмоқдаки, уларнинг олдида фақат эрга қараб ёхуд юзни тескари буриб ўтсам дейсиз...

Тавба, бир замонлар ахлоқи сал бундайроқ аёлларгина шунақа бепарда нарсаларни кийишга ишқибоз эди. Ҳозир эса оқ-қорани таниб улгурмаган қизларимиз орасида ҳам бундай кийимлар урф бўлаётти. Демак, гулдай нозик, сийрати пок қизлар бу кийимларни кийиб юриш гуноҳ эканини англамайди.

Аммо ота-оналар бунга нега бефарқ қараяпти? Бу ҳам кечирилмас гуноҳ-ку! Ўз фарзандимнинг юриш-туришига масъулман, бошқалар нима қилса қилаверсин деб ўзимизни четга

олишга ҳаққимиз йўқ. Халқимизнинг «Бир болага етти кўшни — ота-она» деган нақли бежиз айтилмаган.

— Маълумки, инсон нафақат оғзи ва бурни, балки териси орқали ҳам нафас олади, — дейди **Қарши шаҳар тўғруқ комплекси бош шифокори Салима Очилова.** — Сунъий толардан тайёрланган, баданга ёпишиб турадиган ҳозирги кийимлар терининг нафас олишини кийинлаштиради. Бу бутун тана аъзолари фаолиятининг бузилишига олиб келади. Айниқса, балоғат ёшидаги қизлар танасида кечаётган физиологик ўзгаришларга қатта салбий таъсир кўрсатади.

Тор кийим, биринчидан, кишининг эркин ҳаракатини чеклайди. Натижада одатдагига нисбатан кам ҳаракатланилади. Иккинчидан, бундай кийимлар киши асабига таъсир этиб, уни ўзига сездирмаган ҳолда жинжал қилиб қўяди. Инсон вужуди яхлит туғилишга эга. Шу бонс ҳар қандай нохуш таъсир танадаги ҳар бир хужайрада асорат қолдиради.

Сунъий толадан тикилган тор либослар, табиийки, кишини кўп терлатади. Метёридан

ортиқ терлаш натижасида организмдан кўп миқдорда туз, кислоталар ажралиб чиқади. Бу моддаларнинг камайиб кетиши оқибатида модда алмашинуви жараёни бузилади. Бундан ташқари, метёридан ортиқ терлаш танада турли микробларни пайдо қилади.

Тернинг буғланиши эса микробларнинг ривожланиб, терига инфекция тушишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳомиладор ва янги туққан аёллар тор ва ҳаво ўтказмайдиган матолардан кийим киймаслиги зарур.

— Шариятимиз аёлларни беғоналар назарини жалб этадиган тор, ҳарир, қалта либослар кийиб кўчага чиқишдан қайтаради. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. — дейди **Чироқчи туманининг бош имом-хатиби Бехзод Норқулов.** — Аввало, ҳар бир аёл беғона эркак учун номаҳрам ҳисобланади. Кўчадаги очик-сочиклик айрим эркакларнинг ҳаёлини бузади. Натижада аёл киши кўз зиносига сабабчи бўлиб қолади.

Зино эса ёмон иллат ва гуноҳи кабиралардан биридир. Қуръони қаримнинг «Ал-Исро» сурасининг 32-оятда ҳам «Зинога яқинлашманглар! Чунки

ЭЗГУ ТАШАБУСЛАР РЎЁБИ

Учкўприк тумани прокуратураси Президентимизнинг бешта ташаббуси туман халқ таълими бўлимига қарши туман умумтаълим мактабларида яқка тартибда таълим олаётган ўқувчиларга қандай татбиқ этилаётганини ўрганди.

Аниқланишича, яқка тартибда таълим олаётган бошланғич ва юқори синф ўқувчилари 59 нафар бўлиб, уларга уйда мактаб ўқитувчилари томонидан белгиланган жадвал асосида дарс ўтилади.

Ўрганишда мактаблар маъмурияти ҳамда ўқитувчилари томонидан беш ташаббус бўйича яқка тартибда таълим олаётган бошланғич синф ўқувчилари билан расомчилик, театр, санъат,

спорт, китобхонлик ва компьютер технологиялари йўналишида етарли ишлар амалга оширилмагани, бу эса ўқувчиларнинг жамиятдан ажралиб, истеъдоди эътибордан четда қолишига сабаб бўлаётгани маълум бўлди.

Шунга кўра бу борадаги маънавий-маърифий ишларни жадаллаштириш бўйича етти банддан иборат чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Хусусан, ногирон ўқувчиларга компьютер, керакли ўқув жиҳозлари ва байрам совғалари сотиб олиш учун 10 миллион сўм пул ажратилди.

Шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ижтимоий Ҳимояга муҳтож ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида туман халқ таълими бўлими ходимлари



иштирокида иккита гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳ аъзолари ўқувчиларнинг уйларига бориб, уларнинг ўқитувчилари ва синфдошлари иштирокида расмлар танлови, шахмат-шашка мусобақаси ўтказилди, кўғирчоқ театри намоиши этилди. Ўқувчилар фахрий ёрлик, китоблар ва бошқа совғалар билан тақдирланди.

Аъло баҳога ўқиб келаётган икки ўқувчига компьютер тўплами совға қилинди. Яқка тартибда тарбияланаётган ўқувчиларнинг оналарига иш стажига ҳисобланиши ва нафақа олишини таъминлаш чоралари кўрилди.

Ахмадҷон ТУХТАСИНОВ,
Учкўприк тумани прокурори

Халқаро истеъмолчилар жамиятлари конфедерацияси (КонфОП) бошқаруви раиси Дмитрий Янин «Биринчи Европа ва Осиё мамлакатлари истеъмолчилари форуми» доирасида Фарғона шаҳрига келди.

БЕШ ЖОННИНГ ТҮРТ ҚОТИЛИ

УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

2019 йилнинг 14 майдан 15 майга ўтар кечаси Самарқанд вилояти Иштихон тумани Чимқўрғон қишлоғида бир оиланинг беш аъзоси ўлдириб кетилгани ҳақида ижтимоий тармоқларда тарқалган хабар жамоатчиликни ларзага солган эди.

Кўп ўтмай қотилликда гумон қилинаётган шахслар қўлга олингани маълум қилинди. Ўша пайтда мазкур қотиллик бўйича қалаванинг учи эндигина топилиб, тергов жадал олиб борилаётгани сабабли тафсилотлар тўлиқ баён қилинмаган эди. Чунки «тергов сир» деган ҳуқуқий меъёр бор. Шунингдек, терговга тўсиқ бўлиши эҳтимолидан келиб чиқиб, ишга доир маълумотлар доим ҳам ошқор қилинавермайди. Мана, жиноят бўтуқл фоз этилди. Суд айбдорларга нисбатан ўз ҳукмини эълон қилди. Хуллас, барчасига ойдинлик киритилди. Мазкур аянчли воқеа аслида қандай бўлганди?..

Фуқаро Абдурашид Холбоев оиласи, яъни ўғиллари – 1998 йилда туғилган Жавохир Исломов, 2002 йилда туғилган Аббосбек Исломов ҳамда 2004 йилда туғилган Озодбек Исломовлар билан ер олиб, узумбоғ қилади. Боғда пишган узумларни майиз қилиб сотишарди. Уларнинг асосий дармади шундан эди. Бежиз халқимиз «Қимирлаган кир ошар» демайди. Бу ишнинг ҳадисини олган оиланинг топганига йил сайин барака киради. Дастлаб «Дамас» автомашинаси сотиб олишди, кейинчалик уйларини икки қаватли қилиб қайта қуришди. Аммо бир гуруҳ ноқаслар туфайли бу уй қурилишини битириб, у ерда яйраб яшаш оилага nasib этмади.

Айрим кимсалар борки, ўзи бўлолмайди, бўлгани кўролмайди. Шундайлардан бири Ғолиб Ташанов экан. У қўшнисининг ҳалол меҳнати ортдан бойиб кетаётганини кўра олмайди. Уларни ўлдириб, бойлигига эга чиқиш учун бир неча марта жиноий режа тузади, аммо буни бир ўзи амалга оширишига кўзи етмайди. Шунинг учун 2018 йилнинг декабрь ойида Ғ.Ташанов режасини амалга ошириш мақсадида ўзи каби ҳеч қасерда ишлагандан бойлик орттиришни ният қилиб юрган танишлари Шамсиддин Эсонбоев ва Жаҳонгир Усмоновни жиноят қилишга қўндиради. Аммо уч киши ҳам бу ишни урда қилмаслигини тахмин қилиб, ишни орта суришади. Орадан бир неча ой ўтгач, яъни 2019 йилнинг май ойи бошларида Ш.Эсонбоев ва Ж.Усмонов таниши Ҳабибулло Нурмоновни Ғ.Ташановга учраштиришади. Ғ.Ташанов жиноий режасини айтганида у ҳеч иккиланмай рози бўлади. Шу тариқа тўрттоқсон яна тўрт-беш кун маслаҳатлашиб, ким нима иш қилишни келишиб олишади. Улар қабиҳ режани амалга ошириш учун 35-85 сантиметр узунликдаги темир бўлақлари билан қуролланишади. Устларига махсус кийимлар ва бармоқ излари қолмаслиги учун қўлқоп харид қилишади.

Режадаги кун келганида тўрттоқсон Ғолибнинг уйига йўналишади. Қўшнилари

улагандан кейин Ғ.Ташанов йўлларини уйғотишга келишиб олади. Аммо ярим кечаси уйғонган Ғолибнинг нимагадир бу ишга юраги дов бермайди ва ўзи ҳам ётиб ухлайди. Шу тариқа ўша кунни жиноий гуруҳнинг мақсади амалга ошмай қолади.

Орадан бир неча кун ўтиб, 2019 йилнинг 14 май кунини тўрттоқсон яна Ғ.Ташановнинг уйига йўналишади. Бу сафар тўрттоқсон ярим тунгача ухламайди. Бахтга қарши А.Холбоевнинг оиласи боғ ишларидан чарчаб барвақт уйкуга кетади. Кечаси соат 00:30 да Ғ.Ташанов А.Холбоевнинг ҳовлисидаги иттини чаплатиб, шериклари Ш.Эсонбоев, Ж.Усмонов ва

пайқамаган эди. Шовқин-сурондан уйғониб кетган А.Холбоев ўрнидан туриб, югуриб келиб Х.Нурмоновга қаршилиқ кўрсата бошлайди. Буни кўрган Ғ.Ташанов ва Ж.Усмонов зудлик билан етиб келиб, қўлларидagi темир бўлақлари билан А.Холбоевнинг юз ва бошига бир неча марта урганларида у ўзидан кетиб, ерга йиқилади. Суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра А.Холбоев, З.Холбоев, А.Исломов ва О.Исломовлар олган жароҳатлари натижасида воқеа жойида вафот этишган.

Уюшган гуруҳ аъзолари уй эгаларининг ўлганлигига амин бўлганидан сўнг пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиш учун хоналарни тинтиб, ётоқхонадаги қўлланган сандикка дуч келишади. Унинг қўлфини фозиб очиб, ичидagi 22 млн. сўм ва 100 АҚШ долларини қўлга киритишади. Жиноий гуруҳ аъзолари уйнинг бошқа хоналарига кириб, тинтишни давом эттираётган

дайти. Босқинчилар автомашинани ичидagi мурдалари билан шу ерга ташлаб кетишади. Сўнг сал наридаги булоқкача яёв бориб, кон изларини ювиб, қўлларидagi темир бўлақларини булоқка ташлаб юборишади. Қўлга киритилган 22 млн. сўм ва 100 АҚШ долларини тенг тақсимлаб олишади.

Тонгда мудҳиш қотиллик ҳақидаги хабар бир зумда бутун мамлакатга тарқалди. Воқеа жойига етиб борган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мазкур ҳолат бўйича жиноят иши очиб, суриштирувни бошлаб юборишди. Тезда жасадларнинг шахси аниқланди. Кўп ўтмай қотилларнинг бири топилиб, кейин қолганлари бирма-бир ушлаб келинди. Жиноий гуруҳ аъзолари қилмишларига иқдор бўлишди.

Мазкур жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари якунлангандан сўнг иш жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судида кўриб чиқилди. Ишни атрофлича



Х.Нурмоновнинг қурилаган икки қаватли уйнинг биринчи қаватидagi дераза орқали ҳовлига сездирмасдан кириб олишини таъминлайди. Шундан сўнг Ғ.Ташанов ҳам уларнинг изидан кириб, ҳовлида бир кишилик қароватда ухлаб ётган А.Исломовнинг ёнига Ж.Усмонов ва Х.Нурмоновни жўнатади. Нақшинкор сўрида ухлаб ётган уй эгасининг турмуш ўртоғи Зухра Холбоевнинг ёнига Ғолибнинг ўзи келади. Ш.Эсонбоевни эса оиланинг кенжаси, воёга етмаган ўғли О.Исломовнинг ёнига боришга имлайди. Одамийлик қиёфасини йўқотган бу кимсалар хонадон эгаларининг ухлаб ётганидан фойдаланиб, келишувга асосан бир вақтда қўлларидagi темир бўлақлари билан уларнинг юз ва бошларига бир неча марта уриб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир жароҳат етказишади. Ҳовлининг бошқа томонида ухлаб ётган оила бошлиғи А.Холбоевни жиноий гуруҳ аъзолари ҳовлига киришгандан

пайтда оиланинг тўнғич фарзанди Ж.Исломов ухлаб ётганини пайқаб қолишади. Эндигина йигирма бирга кирган бу ўқтам йигит ҳам йирткич қиёфасидаги босқинчилар томонидан ўта шафқатсизларча уриб ўлдирилади. Бу хонадан фақатгина марҳумга тегишли бўлган 600 минг сўмлик «Samsung» телефони қўлга киритишади.

Уюшган гуруҳ содир этилган босқинчилик ва қотиллик жиноятларини яшириш мақсадида мурдаларни кўрпачаларга ўраб, ҳовлида турган «Дамас» автомашинасига жойлашади ва уни ҳайдаб чиқиб кетиб, воқеа жойидан яширишади.

Х.Нурмонов марҳумларга тегишли автомашинани мурдалар, жиноят қуроллари ва излари бўлган кийимларни яшириш ва йўқ қилиш учун олдиндан мўлжаллаб қўйилган жой, яъни Қўшраб-бот туманидаги «Олтин майдон» фермер хўжалиғи ҳудудидagi адир томонга ҳай-

ўрганиб чиққан суд жиноий гуруҳ аъзолари бўлган Ғолиб Ташанов, Жаҳонгир Усмонов, Шамсиддин Эсонбоев ҳамда Ҳабибулло Нурмоновга умрбод қамқоқ жазоси тайинлаб ҳукм чиқарди. Жиноий гуруҳ раҳбари бўлган Ғ.Ташанов 38 ёшда бўлса, қолган қотиллар хали 25 ёшга ҳам кирмаган эди. Энди улар умрларининг қолган йилларини қамқоқда ўтказадиган бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бирор фожиа содир бўлгач, уни турлича талқин этиш, унинг сабабларини санашдан осони йўқ. Лекин биз яна шундай ҳол такрорланмаслиги учун интилишимиз керак. Жамиятдаги муаммоларга кўз юммаслик, атрофимизда яшаётган таниш-но-танишлар тақдирини бефарқ бўлмаслик оилаларимизни турли бало-қазолардан асрайди.

Алишер ИМОННАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Тошкент шаҳридаги «Қўйлик» бозори ҳудудида 210 та IP камера ва кириш-чиқишда инсонни юзидан таниб олувчи 3 та интеллектуал камера ўрнатилди.



FAOLIYATIDAN

Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан 2019 йили солиқ базасини кенгайтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, хорижий валютанинг ноқонуний айланмасига, бюджет маблағини талон-торож қилиш, коррупция, хуфийна иқтисодиётга қарши курашиш, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, амалдаги қонунларнинг моҳиятини тушунтириш мақсадида тарғибот тадбирларини кучайтиришга эътибор қаратилиб, 5003 та профилактик тадбир ўтказилди. Асосий факт ва рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Давр талабидан келиб чиқиб ҳисобот даврида 4524 нафар фуқаро, шундан 3256 нафари бевоқиф жамоаларида, 1238 нафари маҳаллаларда қабул қилинди.

2019 йил давомида келиб

Фаолият рақамларда акс этганда

тушган 503 та муурожаатнинг 306 таси ҳал қилинди. 65 таси қаноатлангилди, 5 таси рад этилди ва 236 таси бўйича ариза муаллифларига тушунтириш берилди.

Муурожаатларнинг 99 таси текшириш материаллари ва жиноят ишларига қўшиб кўрилди. Ҳал қилинган муурожаатлар бўйича 20 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Жумладан, фуқаро Рафик Турсунов ва бошқалар муурожаат қилиб, бажарилган қурилиш ишлари учун тўлиқ ҳақ олмаётганидан норози бўлиб, пулини ундиришда ёрдам сўраган. Уларнинг муурожаати ўрганилиб, 100 млн. сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Шунингдек, кредит олиш

мақсадида фуқаролардан келиб тушган 47 та муурожаат бўйича департамент ходимларининг ташаббуси билан 34 кишига 612,2 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилишига эришилди.

Тадбиркорлик ва кичик бизнесга кенг йўл очилиши, имтиёзлар берилиши нафақат халқ турмушини яхшилашда, балки аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўринга эга. Шу нуқтага назардан тадбиркорлик фаолиятини таъкил этиш ва ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 21 та жиноят иши кўзга тилиди. Масалан, «Микро-кредитбанк»нинг Бухоро вилояти филиали мансабдорлари ва бошқалар «Азия Олот қурилиш» МЧЖнинг 420,3 млн. сўм пулини талон-торож қилгани

аниқланиб, жиноят иши кўзга тилиди, МЧЖга 420,3 млн. сўмлик зарар ундириб берилди.

Коррупция жиноятларининг олдини олиш борасида ўтган йили 619 та тарғибот тадбири ўтказилган бўлиб, шундан 186 таси маъруза ва суҳбатлар, 433 таси оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлардир. Хусусан, радиода 59 марта, телевидениеда 288 марта, мағбуотда 22 марта, интернет тармоқларида 64 марта чиқиш қилинди. Аммо шунга қарамадан хали порахўрлик иллатига бағамом чек қўйилгани йўқ.

Яширин иқтисодиёт – тарракит қушандаси. Унга қарши курашиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бу борада қонунда таъкиланмаган фаолият билан давлат рўйхатидан ўтмасдан

шуғулланаётган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чегараланмасдан, уларга қонун талаблари тушунтирилмоқда. Солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилиб, фаолиятга қонуний тус берилиши натижасида 170 та иш ўрни яратилди.

Департамент органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш натижасида давлат бюджетига 49,5 млрд. сўмдан ортик қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиб, 18,8 млрд. сўмдан ортик сумма ундирилди.

210 та жиноят иши кўзга тилиб, 270 та маъмурий ҳуқуқбузарлик доир иш юритилди.

Ҳамкорликда амалга оширилган тадбирларда 104 та ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, 13 та коррупция ҳолати аниқланиб, 34 та яширин цех фож этилди.

Департамент органлари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятда шаффофлик, ошкоралик каби демократик тамойилларга амал қилмоқда. Асосий мақсадимиз эса халқни рози қилиш, унинг турмуш фаровонлигини оширишдан иборат.

Содиқ ОЧИЛОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари

ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУГУЛЛАНИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН 638 НАФАР ФУҚАРОГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ ВА МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛИБ, 661 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ. ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИ НАТИЖАСИДА 3 МЛРД. 322 МЛН. СЎМЛИК ТОВАР АЙЛАНМАСИ АМАЛГА ОШИРИЛИБ, БЮДЖЕТГА ҚЎШИМЧА 818 МЛН. СЎМЛИК СОЛИҚЛАР ҲИСОБЛАНИБ, УНДИРИЛИШИ ТАЪМИНЛАНДИ.



МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Ҳисобот даврида **4524** нафар фуқаро қабул қилинди. Муурожаатларнинг **306** таси ҳал этилди. **20** кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.



КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА:

Коррупцион жиноятларнинг олдини олиш борасида **619** та тарғибот тадбири ўтказилди. Порахўрлик билан боғлиқ **76** та жиноят фож этилди.

ВАЛЮТА САВДОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА:



Валютага оид **135** та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Ноқонуний муомалага қиритилган **169** мингдан ортик АҚШ доллари, **465** мингдан ортик Россия рубли, **682** млн. сўм далилий ашё сифатида олиб қўйилди.



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ БЎЙИЧА:

Тадбирларда **79** та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилиб, **690,7** млн. сўмлик маҳсулот, хомашё ва асбоб-ускуналар олинди, яширин цехларни хомашё билан таъминловчи **52** та манба фож этилди.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНИШИ ЮЗАСИДАН:

Тадбирларда **36** та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, давлат бюджетига **3** млрд. **497** млн. сўм зарар етказилгани аниқланди.

Норасмий ишчининг қилмиши

Эндигина 25 ёшни қаршилаган А.И. кўринишидан содда ва камтар йигитга ўхшаса-да, аслида фибрибарлик қилиб бойлик орттириш илинжида ўз нафсининг қулига айланган экан.

Кибрай тумани кадастр бўлимида норасмий равишда ишлаган А.И. 2018 йил сентябрь ойида фуқаро А.Х. билан танишиб қолади. Суҳбат орасида туман кадастр бўлимида ишлагани, ҳар қандай муаммони ҳал қила олишини айтиб, А.Х.ни алдайди. Бу гапни эшитган А.Х. ўз уйига кадастр ҳужжатларини тайёрлашда ёрдам беришини сўрайди.

Бу А.И. учун аини мудоао эди. У А.Х.га ёрдам беришини, лекин бунинг озгина «харажати» борлигини билдиради. А.Х. қанчалигини сўраганда, А.И. барча ҳужжатларини 250 АҚШ доллари эвазига тайёрлаб беришини айтди.

А.Х. рози бўлиб, унга керакли ҳужжатларни тақдим қилади ва пулини қисқа вақтда топиб беришини айтди.

Орадан бироз муддат ўтгач, А.И. кўнгирик қилиб ҳужжатларни тайёрлаётганини билдиради, раҳбарларига бериши кераклигини айтиб пулни тезроқ беришни сўрайди.

А.Х.да улдабуронга нисбатан шубҳа уйғонади ва у А.И.нинг ҳаракатлари қонунийлигини текшириб беришларини сўраб, департаментнинг Қибрай тумани бўлимига ариза билан муурожаат қилади.

Муурожаат юзасидан Кибрай туманида тезкор тадбир ўтказилади. Унда А.И. фуқаро А.Х.дан келишилган пулнинг 100 долларини фибрибарлик йўли билан олган вақтида холислар иштирокида ушланади.

Судда А.И. айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилган ишдан пушаймонлигини билдириди ва унга энгиллик беришларини сўради.

Суд унинг вояга етмаган фарзанди борлигини ҳамда биринчи марта судланаётганини инобатга олиб, унга энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баробари миқдорда жарима жазоси тайинлади.

Лазизхон ЗИЁДХОНОВ,
департаментнинг Қибрай тумани бўлими катта инспектори

Бугун мамлакатимизда миллий валютани мустаҳкамлаш, хорижий валюта муомаласини тартибга солиш бўйича кўп ишлар қилинапти.

Тўғри йўл қолиб...

Бу борада Ўзбекистон Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатлар асосида банклардан хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш кафолатланган.

Шундай бўлса-да, юрдошларимиз орасида валютанинг ноқонуний олди-сотдиси билан шуғулланаётганлар ҳам учраб турибди.

Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси ўтказган тадбирда ана шундай ҳуқуқбузарликка чек қўйилди.

Тадбирда Урганч тумани Юқоридўрмон кишлоғи Анжирчи маҳалласида яшовчи Рустам Абдуллаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Хива тумани Журён кишлоғида яшовчи Жасур Эгамов Янгибозор тумани Бўзқалъа кишлоғида жойлашган ферма ҳудудида харидорга ҳар бир АҚШ долларини 8120 сўмдан

ҳисоблаб, 20 минг АҚШ долларини 162 млн. 400 минг сўмга сотиб пулини олаётган вақтда ушланди. Харидордан 20 минг АҚШ доллари, ҳуқуқбузар Рустам Абдуллаевнинг машинасида 11 млн. 838 минг сўм ҳамда ҳуқуқбузар Жасур Эгамовнинг автомашинасида эса 2 млн. 546 минг сўм пул топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Қонун ҳамма учун баробар. Шоир Пўлат Мўминнинг бир шеърда «Тўғри йўл қолиб, кечар экан лой» деган сатр бор. Шунга ўхшаш валютани банкдан эркин сотиб олиш ёки сотиш имконияти бўла туриб кингир ишга қўл уришнинг оқибати яхши эмас. Ҳар биримиз валютани банкда айирбошлаб, унинг банкдан ташқари айланмасига йўл қўймасак, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшган бўламиз.

Дилрабо ҚУРЯЗОВА,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

Ор ва номус... Қиз бола учун бу неъмат жондан ҳам устун. Йигит учун-чи? Ота-боболаримиз ор-номусни дунёнинг барча неъматларидан афзал санашган. Ор учун майдонга тушишган, жанггоҳларда жон олиб, жон беришган. Оркашлик, жўмардлик, тантлиқ йигитнинг энг улуғ фазилатлари ҳисобланган.

Бироқ афтидан бу фазилатлар қуйидаги тафсилотлар қаҳрамонининг тушига ҳам кирмаган кўринади...

Самар Рустамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1996 йилда туғилган, маълумоти ўрта-махсус. Оилали, битта фарзанди бор. Илгари судланмаган, вақтинча ишсиз, Қарши шаҳрида яшайди.

...Хаммаси бундан уч йил муқаддам бошланганди.

Ўшанда Нодира коллежда 3-курсда ўқирди. Телефони бузилиб қолиб, устахонага борди.

– Бугун телефонингиз соз бўлмайди, – деди уста йигит.

– Телефон рақамингизни ташлаб кетинг, эртага созлаб, хабар бераман...

Устанинг ёнидаги нотаниш йигит улар келишиб олгунча қадар Нодирага гап отиб ўтирди.

SUD OSHERKI

ОР ВА ДОҒ

Эртаси куни телефон устаси унга кўнгирак қилиб, «Телефонингиз соз бўлди, олиб кетинг» деди. Нодира бориб телефонини олди. Сўнг коллежга ўқишга борди. Дарсдан кейин уйига қайтиб, рўзғор ишлари билан андармон бўлиб юганида нотаниш рақамдан «Салом, яхшимисиз?» деган СМС олди. Эътибор бермай, ишида давом этди.

Эртаси куни яна ўша рақамдан кўнгирак бўлди. Нодира ажабланиб кўнгиракка жавоб берди.

– Узр, сизни безовта қилдим, фақат телефонни қўйиб қўйманг; – деди хушмуомалалик билан кўнгирак қилган йигит. – Исми Самар, сизни кеча устахонага борганингизда кўриб, ёқтириб қолдим. Рақамингизни уста ўртоғимдан олдим. Аслида сизни анчадан бери кузатиб юрибман... Мени тўғри тушунинг, сизни ўйин қилиш ниятим йўқ... Ниятим жиддий. Агар сиз ҳам менга бефарқ бўлмасангиз, илтимос, учрашайлик...

– Мен сиз билан учрашмайман, – деди қиз. – Ота-онам билса, балого қоламан. Менга бошқа телефон қилманг...

Нодира шундай деб алокани узди. Аммо орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай йигит яна кўнгирак қилиб, гапларини такрорлаб туриб олди. Қиз Самарнинг кўнгиракларига умуман жавоб бермай қўйди.

Бир куни у ўқишдан қайтаётганида Самар йўлини тўсди.

– Нега телефонни кўтармайсиз? – деди у талмовсираб қолган кизга. – Яна айтаман. Менинг ниятим жиддий. Сизни ишонтириш учун нима қилай?!

– Билмасам, – дея елка қисди Нодира. Йигит энди унинг ортидан коллежга-ча кириб бора бошлади. Охири кизни учрашишга кўндирди. Муносабатлар чуқурлаша бошлади.

Навбатдаги учрашувлардан бирида қиз Самарга ёриди:

– Бизникига совчилар келаяпти, ниятингиз жиддийлигини айтгандингиз, совчиларингизни юборинг...

Қутилмаганда йигит чайнаиб қолди: – Онам... рози бўлмайди-да... ўзи айтган кизга уйлантираман деб туриб олган...

– Бу нима деганингиз? – аччиқланди Нодира. – Ваъдалар жуда куюқ эди-ю...

– Шошилма, мен бир сўзга йигитман, – Самар кизни яна аврай бошлади: – Фақат сенинг ҳам озроқ ёрдаминг керак...

– Қанақа ёрдам? – хайратланди Нодира.

– Паспортингни олиб чиқсанг, қонуний никоҳдан ўтамиз, шундан кейин онам рози бўлишга мажбур бўлади...

Қиз эртаси куни паспортини олиб чиқди. Самар уни таксига таклиф қилди. Машинада яна бир йўловчи бор экан. Йигит уни акам деб таништирди. Улар таксиде аллақандай кўп каватли уй ёнига бориб тўхташди. Самар кизни ичкарига таклиф қилди.

– Нима қиламан бу ерда? – ажабланиб сўради қиз. – Никоҳ уйига бормаимизми?

– Агар ростан ҳам турмушга чиқиш ниятинг бўлса, бу уйга кирамиз, – деди йигит. – Ҳозир акам ота-онамни бу ерга олиб келади.

Самарнинг акаси жўнаб кетди. Нодира иккиланганча ичкарига қадам босди. «Квартира»да бир кекса аёл уларни кутиб олди.

– Бу киз ким? – деди у Самарга. – Нимага бу ерга олиб келдинг?

– Уйланмоқчи бўлган кизим бу, – дея Самар қолган гапларни аёлга рус тилида тушунтира бошлади.

Бироздан сўнг Самарнинг гапидан кўнгли тўлди шекилли, аёл илжайганча хонадан чиқиб кетди. Самар Нодира билан бироз суҳбатлашиб ўтирди.

Бир пайт томдан тараша тушгандай дабдурустдан кизга деди:

– Ҳозир кийимларингни ечишинг керак...

Қиз унга анграйиб қаради:

– Бу нима деганингиз? Нима учун?

Самар бамайлихотир режасини тушунтира бошлади:

– Хавотир олма, акам ҳам худди шундай йўл билан янгамга уйланган, яъни ота-онамизга «қизни зўрлаб қўйдим» деб ёлгон ишлатган. Ҳозир ота-онамиз келиб, сенинг кийимсиз ҳолатингни кўриб, бунга ишонишади. Кейин тўй қилишга рози бўлишдан бошқа чоралари қолмайди... Қалай, зўр ўйлабманми?

Нодира унинг бу гапларига ишониб, кийимларининг бир қисмини ечди-ю, ичкиймда қолди. Самар эса уни телефонда видеого ва суратга ола бошлади...

Орадан анча вақт ўтди ҳамки, йигитнинг ота-онасидан дарак бўлмади. Қиз алданганини англаб, йиғлаб юборди. Қўшни хонадан уй соҳибаси чиқиб келиб, йигитга кизни қўйиб юборишини айтди...

Шу бемаъни воқеадан кейин Нодира Самар билан гаплашмай қўйди.

Бу орада Самар унинг уйига келган барча совчиларни йўлдан қайтариб, уларни Нодирани келин қилиш фикридан айнигиб юрди.

Охири йигит Нодирани телефонда «тутиб олиб», ўлағайлади:

– Нимага мен билан гаплашмайсан? – Мен сен билан бошқа гаплашмайман, – деди қиз ғазаб билан, – энди менга телефон қилма, мени бошқа инсонга беришмоқчи...

Йигитнинг овози баттар тахдидли тус олди:

– Сен бошқага теголмайсан, чунки менда сенинг ярим яланғоч видео ва суратларинг бор... Агар кўчага тарқалиб кетса, шарманда бўласан... Пулини берсанг, буларни ўзинга қайтараман...

Қизнинг қўлидаги телефони тушиб кетишига сал қолди. У алам билан юзини чангаллади. Йигитнинг бу даражада насткашликка боришини хаёлига ҳам келтирмаган эди...

Нодира бошқа чора топа олмай, тилла зирагини 800 минг сўмга сотиб, пулини Самарга тутқазди. Орадан бир неча ой ўтган, Самар унга телефон қилиб, яна пул сўради. Бу сафар амаллаб 400 минг сўм берди. Тез орада йигит яна «хархаша» қилди...

Охири сафар Самар 500 АҚШ доллари беришини талаб қилганидан сўнг

қиз юзини ёриб, бўлган воқеани уйдагиларга айтишидан бошқа чора топа олмади...

– «Гавхар» кафесининг ёнига бораман, келинг шу ерга, – дея кўнгирак қилди Нодира Самарга. Самарнинг оғзининг таноби қочди.

Айтилган жойда учрашишди.

– Пул қани, олиб келдингми? – йигитнинг дастлабки сўроғи шу бўлди.

Қиз саволга савол билан жавоб қайтарди:

– Флешкани олиб келдингизми?

– Пулни бер, флешкани эртага соат ўнларда оласан, – деди Самар.

Қизнинг аччиғи чиқди:

– Олдин флешкани берасиз, кейин пулни оласиз...

Шундан сўнг йигит яна чайнаиб қолди:

– Флешка ёнимда эмас, уйда...

Нодира яна талабини қайтарди. Ноилж қолган йигит ўзи билан бирга келган танишининг машинасида кизни бозор ёнига олиб келиб, ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг чиқиб, кизга флешкани кўрсатиб, «қани, пулни бер» деди.

– Бояги кафенинг ёнига борамиз, – деди қиз. – Пулни ўша ерда оласан...

Кафе ёнида Нодира флешкани олиб, унинг қўлига 200 АҚШ доллари тутқазди. Шу пайт пайдо бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари Самарни жиноят устида қўлга олишди. Талвасага тушган Самар аввалига Нодирадан қарзини олганини илдоа қилган бўлса-да, далиллар олдида ожиз қолди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар сулида Самар Рустамовнинг жиноят иши кўрилди. Суд мажлисида судланувчи айбига тўлиқ иқроор бўлишдан ўзга чора топа олмади...

Суд ҳукмига кўра унга уч ярим йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Жабрланувчига етказилган моддий зарар қоплангани қайд этилди.

Йигитнинг боши ҳам бўлди. Маҳалладошлари олдида, оиласи, яқинлари олдида юзи ёмон пувут бўлди унинг. Нима деган одам бўлди у?! Эркак киши шунчалик ҳам тубан кетиши мумкинми?! Бу доғни ювиб бўладими?

Равшан ХУРРАМОВ,
Қашдараё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



Мамлакатимизда суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Денов туманлараро судининг М.Шукуровадан 3.Бобомуротовга 119,1 млн. сўм қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Термиз шаҳар бўлимида ижро иши юритилган.

ҚАРЗ МУНОСАБАТНИ БУЗАДИ

Ишни юритиш давомида қарздорнинг мулкий ҳолатини аниқлаш мақсадида ваколатли органларга сўровлар юборилган. Олинган жавоб хатларига кўра унинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган ҳамада қарздорнинг Ўзбекистондан четга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган.

Шунингдек, қарздорнинг уйига такроран борилганда хонадонда биринчи эҳтиёждан ташқари мулклар мавжуд эмаслиги аниқланиб, ўрнатилган тартибда далолатнома расмий-

лаштирилди.

Олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида ижро ҳужжатида кўрсатилган 119,1 млн. сўмлик қарз тўлиқ ундириб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судининг «Бешариктекстил» ҚКдан «Infibank» АТБга 23 млрд. 832 млн. 476 минг сўм ва 2 млн. 216 минг 432 АҚШ доллари миқдоридagi кредит қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарз-

дорга тегишли бўлган бинолар белгиланган тартибда хатланиб, реализация қилиш учун электрон онлайн-аукцион савдосига чиқарилган.

Аукцион натижасида «Бешариктекстил» ҚКга тегишли бўлган бинолар сотилиб, тушган 37 млрд. 302 млн. 708 минг сўм пул кредит қарзини қоплаш учун «Infibank» АТБнинг ҳисоб рақамига ўтказилиши таъминланди.

Джасур МУМИНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
МИБ бўлим катта инспектори

ГАЗ БОСИМИ НЕГА ПАСАЙДИ?

Қиш кунлари аҳолининг электр энергиясига эҳтиёжи ортади. Ёш болали оилалар бор. Баъзан газ босими пасайиб кетди, электр энергиясидаги узилишлар жонга тегди деган гаплар қулоққа чалинади. Аммо табиий газ ёки электр тармоғига қонунга хилоф тарзда уланиб олганлар бу ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди.

Мазкур йўналишда МИБ Қорақўл тумани бўлими томонидан «Зарафшон» МФЙ ҳудудида ўтказилган мониторингда Ш.Бобоев умумий фойдаланишдаги табиий газ тармоғига ўзбошимчлик билан уланиб, ноқонуний равишда фойдаланиб келгани аниқланган. Натижада давлатга 3 млн. 987 минг 168 сўм моддий зарар етказилган.

Қувачалик С.Бозоров ҳам умум манфаатидан кўра шахсий манфаатини устун қўйганлардан экан. У илгари электр тармоғига ўзбошимчлик билан уланиб олгани учун МЖТКнинг 101-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилган.

У ўзига нисбатан қўлланган 1 млн. 13 минг 650 сўм жарима ва таъминотчи корхонага етказилган 8 млн. 893 минг сўм зарарни тўлиқ қоплаган. Бирок у бу қилмишни такроран содир этиб, таъминотчи корхонага 3 млн. 424 минг 775 сўмлик зарар етказган.

Қонунбузарларга нисбатан жазо чоралари қўлланди.

Бобиржон НУРОВ,
МИБ Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ



558 нафар истеъмолчига 893 млн. сўмлик нореал қарздорлик юклатилган.

Мажбурий ижро бюроси Шеробод тумани бўлими доимий равишда хатлов олиб бориши натижасида «Электр ҳисоб» дастурида 558 нафар истеъмолчига нисбатан жами 893 млн. 577 минг сўм нореал қарздорлик вужудга келгани аниқланди. Бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар қонуний ҳал қилиш учун туман прокуратурасига берилган эди.

Ушбу ҳужжатлар асосида туман прокурори фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, нореал қарздорликни ҳисобдан чиқариш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво аризалари киритди.

Сайёр суд мажлисида даъво аризалари кўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилди ва нореал қарздорликлар дастурдан олиб ташланди.

Шунингдек, туманда табиий газ бўйича ҳам хатлов ўтказилганда 1603 нафар истеъмолчига нисбатан ҳисобланган 1 млрд. 444 млн. сўмлик нореал қарздорлик аниқланди. Бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман прокуратурасига тақдим қилинди.

Равшан НАМАЗОВ,
Мажбурий ижро бюроси
Сурхондарё вилояти бошқармаси
бошлиғи

НОРАСИДА ФАРЗАНД АЗИЯТ ЧЕКИШИ КЕРАКМИ?

Жамиятни ичидан емирадиган иллатлардан бири оилавий ажримлардир. Илгари бу гап қулоққа чалинса бир сесканардик, бугунги кунда-чи?

Хусусан, Мажбурий ижро бюроси Навбахор тумани бўлимида бугунги кунда алимент билан боғлиқ 1490 дан зиёд ҳужжат бўйича ижро ҳаракатлари олиб борилаёпти, бу камида шунча оила дарз кетган деганидир. Туман МИБ томонидан ҳозирга қадар 1 млрд. 105 млн. сўмдан зиёд алимент қарзи ундириб берилди. Масалан, фуқаро Ф.Ашуров 7 ой давомида ёрдамга муҳтож бўлган фарзандига 2 млн. 575 минг сўм алимент пулини тўламастан қочиб юрди. Ижро ҳаракатлари натижасида алимент қарзи тўлиқ бартараф этилди.

Шу ўринда баъзи оталарнинг ўз фарзандига алимент тўлашдан бўйин товлаши кишини ўйга толдиради. Эр ва хотиннинг ажралиши ёки бирга яшамаслиги сабабли қачонгача фарзанд азият чекиши керак? Жамоатчиликнинг эътиборини шу масалага қаратиш лозим. Фарзандини моддий таъминлашни хоҳламаётганлар билан маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маслаҳатчилари, халқ ичида обрў қозонган кексалар ва масъул органлар ҳамкорликда иш олиб борса, бу каби муаммолар бирмунча камаяди.

Алишер ТЕШАЕВ,
МИБ Навбахор тумани бўлими бошлиғи



МОДДИЙ ТАЪМИНОТДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро судининг буйруғига асосан Дилшодбек Якубовдан Флорида Юсуповага вояга етмаган уч фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ой топган иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/2 қисми миқдориди алимент ундирилиши белгиланган.

Бирок Д.Якубов алиментни тўлашдан бўйин товлагани сабабли Мажбурий ижро бюроси Қўрғонтепа тумани бўлими ходимлари томонидан туман маъмурий судига киритилган тақдимномага биноан қарздорга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 474-моддасига асосан 15 кунлик маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Бундан хулоса чиқармаган Д.Якубов жазони ўтаб бўлганидан сўнг ҳам қарзини тўламай юрган. Натижада ҳозирги кунга қадар тўламаган алименти 25 млн. 839 минг 16 сўмга етган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича суд буйруғига асосан Арабжон Раҳмонов Мунаввархон Раҳмоновага икки нафар фарзанди вояга етгунига қадар алимент тўлаб бориши белгиланган. Фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келган А.Раҳмонов илгари Қўрғонтепа тумани маъмурий суди томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамастан икки ойдан ортиқ вақт давомида алимент пулини тўламаган. Натижада алимент қарзи 23 млн. 480 минг 245 сўмга етган.

Қайд этилган ҳолатлар юзасидан Мажбурий ижро бюроси Қўрғонтепа тумани бўлими томонидан қарздор оталарга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан жиноят иши кўзгатилади.

Шохрух УМАРАЛИЕВ,
МИБ Қўрғонтепа тумани бўлими бошлиғи

БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Бугун биз кескин ўзгаришлар, кутилмаган талабларга бой бир даврда яшаймиз. Ким бўлишимиздан, қайси касбни эгаллашимиздан қатъи назар, бу аср мутлақо бошқача фикрлаш ва глобаллашув шароитида сув ва ҳаводек зарур бўлган ижтимоий кўникмаларни талаб этмоқда. Бунинг сабаби – барча соҳадаги шиддатли ривожланиш ва кучли рақобат.

Бир қарашда, эски талаб ва эҳтиёжлар бугунгиларидан ҳеч қандай фарқ қилмайдигандек. Тўғри, ҳар қандай тенденция ва заруриятнинг моҳияти ўша-ўша. Масалан, яшаш учун моддият, илм учун устоз ва китоб, ишлаш учун ҳунар ёки диплом, фуқаролик учун паспорт дегандай... Аслида ҳозир буюк марраларни забт этиш учун қўйилган талабларнинг юки, янги жиҳатлари биз англаганимиздан-да бисёр.

Яқинда Президент «Ватан ифтихорлари» янги институтини ташкил этиш таклифини берди. Юртбошимиз бу таклифини Муҳаммад Хоразмий номидаги мактабда бўлиб ўт-

ган учрашувда илгари сурди ва мазкур институтининг вазифаси ва фаолияти ҳақида гапирди. Айни муддао. Яратгандан барча савъ-ҳаракатларимиз мевасини беришини сўраймиз!

Этибор берайлик, бу режани Президент олий минбарлардан туриб эмас, айнан мактабда маълум қилди. Давлатимиз раҳбарининг нуқтидаги ушбу фикрлар эътиборни тортади: «Биз дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган ёшларни масъулиятли вазифаларга тайинлаймиз...». Бу юқорида санаб ўтилган кўникмаларни имкон қадар эрта шакллантириш жуда

зарур дегани менимча. Негаки, бу талабларга жавоб бера олиш киска муддатда ҳал бўладиган масала эмас.

Президентнинг бундай қарор қилишига сабаблар кўп. Ижтимоий тармоқлар ва бошқа ахборот воситалари орқали ҳаммага маълумки, сўнгги пайтларда юқори лавозимдаги баъзи раҳбарлар вазифасини бажаришдаги камчиликлари, шунингдек, раҳбар сифатида зарур вазифаларга етарли даражада эга эмаслиги сабабли жиддий огоҳлантирилди, айримлари ишдан бўшатилиди. Инсон манфаати, халқнинг розилиги биринчи ўринга қўйилаётган дамда бу каби ўзгаришлар табиий. Шу шартларга муносиб бўлиш, юқорида таъкидланганидек, ижодкор, чуқур мулоҳаза-зали инсонларга насиб этади.

Креатив ёндашув, танқидий фикрлаш, тўғри қарорни тезда қабул қилиш, оқу қорани айни зарур пайтда ажратиш – буларнинг бари давр тақозоси. Шубҳасиз, бу шарт мудом кучайиб, янгиланиб бораверади. Назаримда, бу масъулият

фақатгина амалдорларнинг елкасида эмас. Ҳар бир тирик жон рўшнолик ва тинчлик учун бирлай жавобгар, ҳамминг улуши жуда муҳим!

Дарҳақиқат, бугун бир қарашда ёқимли кўринган техник тараққиёт авжида. Яшаш ва фаолиятда, танлов ва қарорларда янглишиш эҳтимоли юқори. Наҳот – фақат ҳалоллик, кечикмай сингдирилган теран тафаккур, юксак онг ва ишончли қадамларга асосланган ташаббусда.

Бугунги ёш – эртага раҳбар. Қуюниб айтилаётган мақсад битта – жамоа ёки халқни адашмай бошқариш, унинг дардини фаҳмлаш, муаммоларини бартараф этиш учун тўғри стратегияни танлаш. Шундагина давлат сиёсати тўғри талқин этилиб, самарадорлиги ортиб, халқнинг бугун ва келажакка бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораверади.

Файрат СУЛТОНҚУЛОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

JARAYON

БОЖХОНА МАЪМУРЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат хизматларининг шафқофлигини ва улардан эркин фойдаланиш имкониятини, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда экспорт-импорт операцияларининг мутаносиблигини таъминлаш тadbиркорликни ривожлантириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмушини яхшилашнинг энг муҳим шартини ҳисобланади.



Шу билан бирга, божхона назоратининг кўп вақт олиши, ходимлар ўртасида коррупция ва хизмат ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатларининг сакланиб қолаётгани ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан божхона органларини ислох қилишнинг

бир қатор муҳим йўналишлари белгиланди. Хусусан, божхона ишини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида «ягона дарча» тасмайлари асосида божхона, банк, логистика, тезкор лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиология, экологик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни кўрсатишга ихтисослаштирилган божхона терминаллари қурилмоқда.

Божхона органларида хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш натижа-сида божхона процедураларини амалга оширишни соддалаштириш ҳамда уларга сарф қилинадиган вақтни қисқартириш чоралари кўриляпти.

Божхона фаолиятида Божхона органларини 2019-2023 йилларда такомиллаштириш бўйича концепция ҳам муҳим ўрин тутди. Унга асосан божхона органларининг муҳим вазифаларини бажариши юзасидан қатор топшириқлар берилган.

Бир сўз билан айтганда, охириги йилларда божхона соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий божхона инфратузилмасини яратишга хизмат қилади.

Б.САПАРОВ,
Божхона институти катта ўқитувчиси.
И.ТЎРАХЎЖАЕВА,
Божхона институти ўқитувчиси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Нидиқ» газетаси таҳририяти жамоаси таҳрират худудий муҳбири Нор-бўта Ғозиевга ораси

Ҳайитгул аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси ва Фаҳрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ҳарбий прокуратура фаҳрийси

Икромжон Бориевнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик ихпор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда МИБ Хоразм вилояти бошқармаси жамоалари бюронинг вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори

Алибек Отажоновнинг
бевакт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдирди.

КЕЛГУСИ
СОНДА

Ҳаёт лаззатини
маишатда деб
билган Молия
институти
талабаси
аввал машина
ўғирлади, кейин
эса қотилликка
қўл урди...

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAYATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAJEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib
bosilganda manbaa sifatida gazeta
nomi ko'rsatilishi shart.
T – tijorat materiallari.

Buyurtma v-4032.
20 370 nusxada bosildi.
Oq'oz bichimi A-3, hejiri 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi
va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **H.NISHONOV**
Sahifalovchi: **S.BOBOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa
ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
matbuot va axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Саудия Арабистонида таркиби тўлиқ аёллардан иборат бўлган илк ҳарбий қисм ташкил этилди.

23-YANVAR 2020-Y.

HUQUQ № 3

(1200)

11




Жамшид Искандеров легионерга айланди

Тошкентнинг «Локомотив» клуби яримҳимоячиси Жамшид Искандеров фаолиятини Жанубий Кореяда давом эттиради.

У расман «Сеонгнам» жамоаси аъзосига айланди. Келишув қанча муддатга тузилгани ҳозирча ошқор қилинмаган. «Transfermarkt» портали маълумотига кўра 26 ёшли футболчи 800 минг еврога баҳоланган.

Эслатиб ўтамиз, «Сеонгнам» Жанубий Корея чемпионати олий лигасининг (К-лига 1) вакили ҳисобланади ва ўтган йили жамоа чемпионатда 9-ўринни эгаллади. Клуб бу мавсумдаги илк расмий ўйинини 1 март куни Руслан Ашурматов ўйнаётган «Гвангю» жамоасига қарши ўтказди.



«Реал» бразилияликлар ишқибозими?

Мадриднинг «Реал» клуби «Фламенго» жамоаси аъзоси Рейнер Жезус Карвальонинг трансферини эълон қилди. Бразилиялик 18 ёшли футболчи янги жамоаси билан 6,5 йиллик шартномага имзо чеккан.

Маълумотларга кўра мадридликлар футболчи трансфери учун 30 миллион евро тўлаган. Рейнер 9 февраль куни «Реал» клубининг иккинчи жамоаси «Кастилья» сафига қўйилди.

«Фламенго» клубидан «Реал» жамоасига ўтган футболчи илк таъсиротлари ҳақида гапирди.

«Реал» клуб сафида пайло бўлиш футболчининг энг юқори чўққисиди бўлиш демакдир. «Реал» — дунёнинг энг буюк клуби. Мен ушбу жамоага болалигимдан маътуф бўлганман. Хайрликаман. Ахир мен сўнгги йилларда БЧЛи тўрт марта ютган клуб сафидаман. Фахр туйғусини ҳис қилмоқдаман», — дейди Рейнер.

Эслатиб ўтамиз, маъмур футболчи бу мавсумда Бразилия чемпионатида 14 та ўйинда майдонга тушганди.

Кетади, қолади, қолади

Мадриднинг «Реал» клуби яримҳимоячиси Гарет Бэйл шартнома муддатининг охирига қадар Мадридда қолмоқчи. Бу ҳақда «Mirror» нашри хабар тарқатди.

Уэльслик футболчининг киролик клуби билан шартномаси 2022 йилнинг ёзига қадар тузилган. 30 ёшли футболчи «Манчестер Юнайтед» кизиқиш билдирган эди, ammo ўйинчи музокара ўтказишни истамади.

Бэйлнинг «Реал» клубидаги йиллик маоши 17 миллион евро. Ушбу мавсумда у 14 та ўйинда майдонга тушиб, иккита гол урди ва шунча голга узатма берди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Қатар юлдузлар лигасидан ажобтовур тадқиқот

Мусулмон футболчилар мушак жароҳатидан камроқ азиат чекади. Хўш, дин ва жароҳатнинг қандай алоқаси бор?

Замонавий футболда кенг тарқалган ва деярли ҳар ҳафта у ёки бу футболчини сафдан чиқишга мажбур қиладиган жароҳат — хамстринг жароҳатлар гуруҳига кирувчи орқа сон мушаклари шикастланишидир. «Woods et al.»нинг маълумот беришича, Англия чемпионати вакиллари мавсум давомида жароҳатдан тикланиши учун ўртача 21 кун кетади. Тахлилларга кўра мавсум давомида АПЛнинг 93 футболчиси (бу ерда академия, ўринбосарлар жамоаси ва катталар жамоаси ҳисобга олинган) жароҳат олган ва уларнинг 20 нафари айнан шу муаммога дуч келган.

Лекин биз ислом дини вакиллари кўпроқ бўлган лигаларга эътибор қаратсак-чи?

Яқинда «Aspetar sportmedicine journal» бир мақола-ни чоп этди. Унда айтилишича, Қатар юлдузлар лигасидаги жароҳатларнинг бор йўғи 7-9 фоизи хамстринг гуруҳига тааллуқли. Яна бир муҳим жиҳат, шундай жароҳат туфайли сафдан чиққан футболчи майдонга қайтиши учун ўртача 14 кун зарур бўлган. Исломи дини вакиллари кўпчиликини ташкил этувчи чемпионатларга онд статистик маълумотларни, айниқса, жароҳатлар бора-сидаги информацияни тўлиқ тўплаш бироз мушкул албатта. Фақатгина бир чемпионат мисолида хулоса чиқариш бироз нотўғридек, лекин фарқ сезиларли.

Бу ерда бир муҳим жиҳат борки, айнан у ўртадаги тафовутга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бу сабаб —



эътиқод. Мусулмон оилаларда фарзандга ёшлигидан ҳаётий билим баробарида диний таълим-тарбия ҳам бериб борилади. Бундай шароитда қатта бўлган инсон кун давомида маълум вақтини эътиқоди, дин учун ажратди. Лекин бунинг спортдаги жароҳатларга қандай алоқаси бор? Барчаси бажариладиган ҳаракатларга боғлиқ. Мусулмон инсон бўғимларининг кундалик ишлари нафақат руҳий, балки жисмоний саломатликка ҳам сабаб бўлади. Маъшур «скандинавияча» айлана-ишда ҳам шунга ўхшаш ҳаракат бажарилади — айнан шу машқ мушакларни умумий чиниктиришда ҳамда орқа сон мушаклари профилактикасида жуда фойдали ҳисобланади.

Дания футбол иттифоқи ўтказган тадқиқот шуни кўрсатдики, профессионал футболчилар ичида бундай машқларни мунтазам бажарган спортчилар мушак жароҳатидан 70 фоиз камроқ азият чекади. Шундай экан, тахминимизча, эътиқод ва кундалик машғулотлари биргаликда мусулмон футболчиларнинг сон мушаклари камроқ жароҳатланишига сабаб бўлади.

«Барселона» янги ҳужумчи сотиб олди

«Барселона» клуби «Альбасете» ҳужумчиси Рей Манайнинг трансферини эълон қилди.

Трансфер суммаси 700 минг еврога тенг. Келишувга кўра каталонияликлар ўйинчининг иштирокига қараб яна 2 миллион евро бонус тўла бериши мумкин.

«Барселона» албаниялик футболчига 50 миллион евро тоvon пули белгилади. Манай жамоада 22-рақамли футболкада ўйнайди.

22 ёшли футболчи билан 2023 йилнинг ёзига қадар шартнома имзоланди.

Манай 2018 йилнинг ёзидан буён «Альбасете» клуби шарафини ҳимоя қилиб келади. Шу пайтгача у 41 та ўйинда майдонга тушиб, 10 та гол урди. Албания терма жамоаси сафида 12 та ўйинда қатнашиб, иккита гол урган ва битта голга узатма берган.



Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) 2019 йилнинг энг яхши миллий чемпионатлари рейтингини эълон қилди.

Суперлигамиз 67-ўринда

Англия премьер-лигаси яқунланган йилнинг энг яхши чемпионати деб топилди — 1287 балл. АПЛ 2009 йилдан бери илк марта рейтингда 1-ўринни эгаллади.

Иккинчи ўрин эса Бразилия чемпионати-га насиб этди — 1165 балл. Учинчи ўринни Испания ла лигаси эгаллади — 1141 балл. Италия А серияси ва Колумбия чемпионати кучли бешликка киришди.

Кейинги ўринларни Португалия, Франция, Нидерландия, Аргентина ва Германия чемпионатлари эгаллади.

Ўзбекистон суперлигаси жадалда 292,5 балл билан 67-ўринни банд этди. Ўтган йилги рейтингта таққослаганда чемпионатимиз 5 поғона кўтарилган.

Жаҳон чемпиони учун 100 минг доллар

Халқаро бокс ассоциацияси (АИБА) маркетинг комиссияси раиси ва Россия бокс федерацияси бокс котиби Умар Кремлёв бокс бўлиб жаҳон чемпионати совриндорлари учун бериладиган пул миқдорини эълон қилди.

«Жаҳон чемпионлари 100 минг доллардан пул олади. Кумуш медалга 50 минг, бронза медалга эса 25 минг доллардан берилади», — деди Кремлёв.

Ҳозирча бу пул қайси жаҳон чемпионати учун берилишига аниқлик кiritилмаган.

2021 йилги жаҳон чемпионати Хиндустоннинг Дехли шаҳрида ўтказилди.

Эслатиб ўтамиз, 2019 йилнинг сентябрь ойида Екатеринбургда ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонликлардан Шаҳобиддин Зоиров, Мирзабек Мирзахалитов, Баҳодир Жалолов олтин, Дилшодбек Рузметов кумуш ва Бобоусмон Батуров бронза медалга сазовор бўлганлиги.